
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИ

**2019 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари
бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий
йўналишлари лойиҳалари бўйича**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг
ХУЛОСАСИ**

Тошкент – 2018 йил

МУНДАРИЖА

I.	Кириш	4
II.	Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар таҳлили	4
2.1.	2017 йил кўрсаткичлари	4
	<i>Ялти ички маҳсулот</i>	4
	<i>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</i>	8
	<i>Меҳнат бозори ва демографик таҳлил</i>	12
	<i>Ташиқ савдо айланмаси</i>	18
	<i>Пул-кредит соҳаси</i>	19
	<i>Ташиқ қарзлар структураси</i>	21
2.2.	2018 йилда кутилаётган кўрсаткичлар	23
	<i>Ялти ички маҳсулот</i>	23
	<i>Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар</i>	26
	<i>Меҳнат бозори ва демографик таҳлил</i>	28
	<i>Ташиқ савдо айланмаси</i>	30
	<i>Пул-кредит соҳаси</i>	30
	<i>Ташиқ қарзлар структураси</i>	33
2.3.	2019 йил прогноз кўрсаткичлари	34
	<i>Ялти ички маҳсулот</i>	34
	<i>Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар</i>	37
	<i>Меҳнат бозори ва демографик таҳлил</i>	40
	<i>Ташиқ савдо айланмаси</i>	42
	<i>Пул-кредит соҳаси</i>	42
	<i>Давлат ташиқ қарзи</i>	43
III.	Солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг ҳисоб-китоби	43
3.1.	Солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари	43
3.2.	Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар даромадлари	63
IV.	Бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва	72

давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари		
4.1.	2019 йилги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари	72
4.2.	Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш	73
4.3.	Давлат бюджети харажатлари таркиби	74
	<i>Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва Фармонлари ҳамда ҳудудларга таширфларида белгиланган вазифаларнинг акс эттирилганлиги</i>	81
	<i>Харажатлар структурасининг тўғри шакллантирилганлиги</i>	84
	<i>Бюджет харажатлари параметрларини шакллантиришда соҳавий вазирлик ва идораларнинг бюджет сўровлари таҳлили</i>	84
	<i>Давлат бошқаруви органи ходимларининг иш ҳақи ҳисобланиши таҳлили</i>	85
	<i>Давлат ривожлантириш дастурларини молиялаштириш учун йўналтирилаётган харажатлар таҳлили</i>	86
	<i>Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш</i>	89
4.4.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари таҳлили	89
	<i>Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси</i>	91
	<i>Бандликка кўмаклашиши давлат жамғармаси</i>	93
	<i>Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиши жамғармаси</i>	95
4.5.	Давлат бюджети харажатларини режалаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси	97
4.6.	Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган харажатларнинг самарадорлиги, уларни оптималлаштириш ва такомиллаштириш бўйича Ҳисоб палатасининг таклифлари	101
V.	Давлат қарзи ва Давлат бюджетининг тақчиллиги	103
VI.	Хулоса	104

I. Кириш

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 96-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 10 августдаги ПФ-5147-сонли Фармонида мувофиқ 2019 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси (кейинги ўринларда Ҳисоб палатаси деб юритилади) нинг Хулосаси тайёрланди.

Хулосани тайёрлаш жараёнида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилди, шунингдек назорат тадбирларининг натижаларидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идоралардан олинган маълумотлардан фойдаланилди.

Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқишда аввалги йиллардан фарқли равишда Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, харажатлар таркибида улуши кўп бўлган соҳавий вазирликлар ҳамда бюджет даромадларида улуши юқори бўлган йирик солиқ тўловчи идоралар билан ҳамкорликда даромадлар ва харажатлар асосланганлигини таъминлаш бўйича бевосита иш олиб борилди.

II. Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар таҳлили

2.1. 2017 йил кўрсаткичлари

Ялпи ички маҳсулот

2017 йилда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми 254 043,1 млрд.сўмни ёки 49,6 млрд.долларни, унинг аҳоли жон бошига миқдори 7,8 млн.сўмни ёки 1,5 минг долларни ташкил этган.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг таркиби кўриб чиқилганда, тармоқлар бўйича жами қўшилган қиймат миқдори 219 250,7 млрд.сўмни (ялпи ички маҳсулотнинг 86,3 фоизи) ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар тушуми 34 792,4 млрд.сўмни (13,7 фоиз) ташкил этган.

Тармоқлар кесимида кўшилган қийматнинг энг катта улуши (46,2 фоиз) хизматларга тўғри келган бўлиб, ушбу тармоқ бўйича ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми 101 224,8 млрд.сўмни ташкил қилган. Шунингдек, ушбу кўрсаткич саноат бўйича 59 650,9 млрд.сўм (27,2 фоиз), қурилиш бўйича 15 225,2 млрд.сўм (6,9 фоиз) ва қишлоқ хўжалиги бўйича 43 149,8 млрд.сўм (19,7 фоиз) миқдорида бўлган.


Ўтган давр мобайнида иқтисодий тармоқларнинг барқарор ва мувозанатлаштирилган ҳолда ривожлантириш ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиши кузатилган.

2017 йилда ялпи ички маҳсулотнинг номинал ўсиш даражаси 27,0 фоизни, дефлятор миқдори 20,8 фоиз бўлган ҳолда реал ўсиш суръати 5,2 фоизни ташкил этган.

Шу жумладан, реал ўсиш миқдори хизматлар бўйича 6,4 фоизни, қурилиш бўйича 5,6 фоизни, саноат бўйича 4,6 фоизни, қишлоқ хўжалиги бўйича 2 фоизни ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар 5,9 фоизни ташкил этган.

Кўрсаткичлар	Қиймати (млрд.сўм)	ЯИМ таркибидаги улуши (фоиз)	2016 йилга нисбатан реал ўсиш миқдори (фоиз)	ЯИМ ўсишида тармоқлар ҳиссаси (фоиз)
Ялпи ички маҳсулот <i>шу жумладан:</i>	254 043,1	х	5,2	х
Саноат маҳсулоти	59 650,9	23,5	4,6	1,0
Қурилиш ишлари	15 225,2	6,0	5,6	0,4
Қишлоқ хўжалиги (шу жумладан, ўрмон ва балиқ хўжалиги)	43 149,8	17,0	2,0	0,3
Хизматлар	101 224,8	39,8	6,4	2,8
Маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар тушуми	34 792,4	13,7	5,9	0,7

Ялпи ички маҳсулот таркиби



Хизматлар соҳаси ялпи ички маҳсулотнинг 39,8 фоизига тўғри келиб, унинг ўсиш суръатига энг катта таъсир кўрсатди. Ушбу соҳа ўтган йилга нисбатан 6,4 фоизга ошди ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 2,8 фоиз пунктни ташкил этди.

Саноат маҳсулоти ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 23,5 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 4,6 фоизга ошган ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 1,0 фоиз пунктни ташкил этган.

Қишлоқ хўжалиги тармоғининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 17,0 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 0,3 фоиз миқдорида баҳоланди ҳамда ушбу тармоқда 2,0 фоиз миқдоридаги ижобий ўсиш суръати кузатилди.

Маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 13,7 фоизни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш даражаси 5,9 фоиз бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 0,7 фоиз пунктни ташкил этди.

Республикадаги амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ишлари натижасида қурилиш тармоғининг ўсиш суръатлари 5,6 фоизни ташкил қилди. Ялпи ички маҳсулот таркибида қурилишнинг улуши 6,0 фоизга тенг бўлиб, реал ўсишда қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,4 фоиз пункт даражасида қайд этилди.

2017 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ҳудудлар кесимида шаклланишида энг юқори улуш Тошкент шаҳрига (15,5 фоиз) тўғри келган. Ундан кейинги ўринларда Тошкент вилояти (9,1 фоиз) ва Самарқанд вилояти (7,1 фоиз) турган бўлиб, энг кам улуш Сирдарё (2,0 фоиз), Жиззах (2,3 фоиз), Хоразм (3,2 фоиз) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига (3,2 фоиз) тўғри келган.

Ҳудудлар номи	Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) қиймати (млрд. сўм)	Улуши (фоизда)	Аҳоли жон бошига ЯҲМ қиймати (минг сўм)
Жами республика бўйича, шундан*	254 043,1	х	7 843,9
Қорақалпоғистон Республикаси	8 234,9	3,2	4 500,2
Андижон вилояти	14 534,9	5,7	4 865,9
Бухоро вилояти	12 296,2	4,8	6 622,6
Жиззах вилояти	5 761,4	2,3	4 388,3
Қашқадарё вилояти	17 332,4	6,8	5 557,9
Навоий вилояти	12 358,6	4,9	13 004,9
Наманган вилояти	10 655,1	4,2	3 982,2
Самарқанд вилояти	18 133,5	7,1	4 919,9
Сурхондарё вилояти	10 630,6	4,2	4 273,3
Сирдарё вилояти	4 999,4	2,0	6 176,7
Тошкент вилояти	23 200,9	9,1	8 154,1
Фарғона вилояти	16 659,8	6,6	4 637,5
Хоразм вилояти	8 155,2	3,2	4 554,2
Тошкент шаҳри	39 278,7	15,5	16 065,6

**Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маҳсулот ҳажми билан биргаликда*

2017 йил якунлари бўйича ялпи ҳудудий маҳсулотнинг энг юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳрида кузатилди. Тошкент шаҳрида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,8 фоизга, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот миқдори эса 6,2 фоизга ўсишига эришилган.

Худудлар номи	Ўсиш суръатлари (фоизда)	
	ЯҲМ	Аҳоли жон бошига ЯҲМ
Жами республика бўйича	5,2	3,4
Қорақалпоғистон Республикаси	5,7	4,2
Андижон вилояти	6,7	4,9
Бухоро вилояти	1,7	0,2
Жиззах вилояти	2,4	0,5
Қашқадарё вилояти	3,1	1,1
Навобий вилояти	1,3	-0,3
Наманган вилояти	4,2	2,3
Самарқанд вилояти	2,5	0,6
Сурхондарё вилояти	3,7	1,6
Сирдарё вилояти	-2,3	-3,8
Тошкент вилояти	3,1	1,8
Фарғона вилояти	4,0	2,4
Хоразм вилояти	4,5	2,8
Тошкент шаҳри	8,0	6,4

Навобий (1,7 фоиз), Бухоро (2,0 фоиз), Жиззах (2,8 фоиз) ва Самарқанд (2,8 фоиз) вилоятларида республика бўйича ўсиш даражасига нисбатан паст ўсиш суръатлари кузатилган. Сирдарё вилоятида эса ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўтган йилдаги ҳажмига нисбатан 2,4 фоизга, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот миқдорининг эса 3,9 фоизга камайиши қайд этилган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар

2017 йил давомида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 68 423,9 млрд. сўмни ёки 13 361,1 млн.долларни ташкил этган.


Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 26,9 фоизга тўғри келган бўлиб, 2016 йилга нисбатан ўсиш даражаси 2,8 фоизни ташкил этган.

Молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилинганда, ўтган даврда ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми жалб қилинган маблағлар ҳисобига тўғри келган, яъни улар 37 993,1 млрд.сўм (жами инвестиция ҳажмининг 55,5 фоизи) ни ташкил этган.


Корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестиция ҳажми 30 430,8 млрд.сўмни ёки жами инвестицияларнинг 44,5 фоизини ташкил этган.

	Ўзлаштирилган ҳажми	Улуши (фоизда)	Ўсиш суръатлари (фоизда)
Асосий капиталга киритилган инвестиция (млрд. сўм)	68 423,9	100,0	20,4
Марказлашган инвестициялар:	16 097,5	23,5	28,5
Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	6 027,5	8,8	2,8
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	5 692,1	8,3	2 баробар
<i>млн.доллар ҳисобида</i>	<i>1 111,5</i>	<i>x</i>	<i>41,0</i>
Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар	4 377,9	6,4	12,2
<i>млн.доллар ҳисобида</i>	<i>854,9</i>	<i>x</i>	<i>-22,2</i>
Марказлашмаган инвестициялар:	52 326,4	76,5	18,4
Корхоналарнинг ўз маблағлари	21 104,5	30,9	16,7
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарзлар	9 127,0	13,3	37,9
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	12 768,6	18,7	44,9
<i>млн.доллар ҳисобида</i>	<i>2 493,3</i>	<i>x</i>	<i>0,6</i>
Аҳоли маблағлари	9 326,3	13,6	-10,4

Марказлашган инвестициялар:



Марказлашмаган инвестициялар:



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 16 097,5 млрд.сўм (23,5 фоиз) ҳамда марказлашмаган манбалар ҳисобидан эса 52 326,4 млрд.сўм (76,5 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилган.

Йил давомида ўзлаштирилган инвестицияларнинг таркибида корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан киритилган инвестициялар 21 104,5 млрд.сўм бўлиб, энг салмоқли улуш (30,9 фоиз)ни ташкил этган.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши жами ўзлаштирилган инвестиция ҳажмининг 18,7 фоизига тўғри келиб, 2 493,3 млн.долларни ёки 12 768,6 млрд.сўмни ташкил қилган. Ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 5,0 фоизига тўғри келган.

Аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан киритилган инвестиция ҳажми 9 326,3 млрд.сўмни ташкил этиб, жами инвестицияларнинг 13,6 фоизини ташкил этган.

Асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 8,8 фоизи Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилган инвестиция лойиҳаларига тўғри келган бўлиб, уларнинг ҳажми 6 027,5млрд.сўмни ташкил этган.

Ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий улуши Тошкент шаҳрига (19,8 фоиз) тўғри келган бўлиб, энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида (2,2 фоиз) кузатилган.

Худудлар номи	Инвестиция ҳажми (млрд.сўм)	Улуши (фоизда)
Жами республика бўйича	68 423,9	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	2 632,5	3,8
Андижон вилояти	2 443,5	3,6

Худудлар номи	Инвестиция ҳажми (млрд.сўм)	Улуши (фоизда)
Бухоро вилояти	11 370,3	16,6
Жиззах вилояти	1 582,9	2,3
Қашқадарё вилояти	10 851,8	15,9
Навобий вилояти	3 841,0	5,6
Наманган вилояти	3 257,0	4,8
Самарқанд вилояти	3 918,0	5,7
Сурхондарё вилояти	3 280,1	4,8
Сирдарё вилояти	1 520,4	2,2
Тошкент вилояти	5 584,0	8,2
Фарғона вилояти	2 633,4	3,8
Хоразм вилояти	1 950,7	2,9
Тошкент шаҳри	13 558,3	19,8

Иқтисодий фаолият турлари бўйича инвестицияларни ўзлаштиришда тоғ-кон саноатининг улуши энг катта ҳисобланиб, 14 203,8 млрд.сўмни ёки жами ўзлаштирилган инвестиция ҳажмига нисбатан 20,8 фоизни ташкил этган.

Ишлаб чиқариш саноатида инвестициялар 12 238,1млрд.сўмни ёки жами ўзлаштирилган инвестиция ҳажмига нисбатан 17,9 фоизни ташкил этган.

Турар жойлар қурилиши бўйича 11 068,8 млрд.сўм инвестиция киритилган бўлиб, жами ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 16,2 фоизига тўғри келган.

Кўрсаткичлар	Ўзлаштирилган ҳажми (млрд.сўм)	Улуши (фоизда)
Асосий капиталга киритилган инвестиция	68 423,9	100,0
<i>шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>		
тоғ-кон саноати	14 203,8	20,8
ишлаб чиқариш саноати	12 238,1	17,9
турар-жой қурилишига инвестициялар	11 068,8	16,2
ташиш ва сақлаш	6 369,0	9,3
электр энергияси, газ, буғ ва конденцияланган ҳаво	5 472,2	8,0
бошқа фаолият турлари	2 949,9	4,2

Кўрсаткичлар	Ўзлаштирилган хажми (млрд.сўм)	Улуши (фоизда)
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	2 508,8	3,7
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	2 379,3	3,5
ахборот ва алоқа	1 926,1	2,8
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1 605,8	2,3
таълим	1 481,4	2,2
қурилиш	1 427,7	2,1
кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар	1 356,8	2,0
сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш	963,6	1,4
молия ва суғурта фаолияти	801,9	1,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	550,8	0,8
касбий, илмий ва техник фаолият	553,7	0,8
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	566,2	0,8

Меҳнат бозори ва демографик таҳлил

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2017 йилдаги меҳнат ресурслари сони 18 666,3 минг кишини (доимий аҳолига нисбатан 57,6 фоизни) ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,0 фоизга ўсган.

Меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳоли сони 14 357,3 минг кишини (жами меҳнат ресурсларининг 76,9 фоизи), иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сони эса 4 309,0 минг кишини (жами меҳнат ресурсларининг 23,1 фоизи) ташкил этган.

МИНГ КИШИ

Худудлар номи	Жами меҳнат ресурслари	шундан,			
		иқтисодий фаол аҳоли	меҳнат ресурслари-га нисбати (фоизда)	иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли	меҳнат ресурслари-га нисбати (фоизда)
Жами республика бўйича	18 666,3	14 357,3	76,9	4 309,0	23,1
Қорақалпоғистон Республикаси	1 054,6	688,8	65,3	365,8	34,7
Андижон вилояти	1 722,2	1 404,1	81,5	318,1	18,5
Бухоро вилояти	1 073,1	874,6	81,5	198,5	18,5

Худудлар номи	Жами меҳнат ресурслари	шундан,			
		иқтисодий фаол аҳоли	меҳнат ресурсларига нисбати (фоизда)	иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли	меҳнат ресурсларига нисбати (фоизда)
Жиззах вилояти	756,2	492,6	65,1	263,6	34,9
Қашқадарё вилояти	1 784,6	1 296,6	72,7	488,0	27,3
Навоий вилояти	547,2	445,7	81,5	101,5	18,5
Наманган вилояти	1 549,5	1 099,0	70,9	450,5	29,1
Самарқанд вилояти	2 079,6	1 629,8	78,4	449,8	21,6
Сурхондарё вилояти	1 423,9	1 062,7	74,6	361,2	25,4
Сирдарё вилояти	475,2	371,9	78,3	103,3	21,7
Тошкент вилояти	1 623,9	1 360,9	83,8	263,0	16,2
Фарғона вилояти	2 031,1	1 630,5	80,3	400,6	19,7
Хоразм вилояти	1 000,6	773,3	77,3	227,3	22,7
Тошкент шаҳри	1 544,6	1 226,8	79,4	317,8	20,6

Мавжуд меҳнат ресурсларига нисбатан иқтисодий фаол бўлган аҳоли нисбатининг юқори кўрсаткичлари Тошкент (83,8 фоиз), Андижон (81,5 фоиз), Бухоро (81,5 фоиз), Навоий (81,5 фоиз) ва Фарғона (80,3 фоиз) вилоятларига тўғри келган бўлиб, энг паст кўрсаткичлар Жиззах (65,1 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси (65,3 фоиз) ва Наманган (70,9 фоиз) вилоятларида кузатилган.


Республикада иш билан банд аҳоли сони 13 520,3 минг кишини (иқтисодий фаол аҳолининг 94,2 фоизи) ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,7 фоизга ўсган.

МИНГ КИШИ

Кўрсаткичлар	Сони	Улуши (фоизда)
Жами	13 520,3	100,0
шундан тармоқлар бўйича		
қишлоқ (шу жумладан ўрмон ва балиқ) хўжалиги	3 671,3	27,2
саноат	1 826,8	13,5
қурилиш	1 290,0	9,5
савдо	1 480,2	11,0

Кўрсаткичлар	Сони	Улуши (фоизда)
ташиш ва сақлаш	654,9	4,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	313,3	2,3
ахборот ва алоқа	64,3	0,5
молия ва суғурта фаолияти	72,0	0,5
таълим	1 106,6	8,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	602,6	4,5
санъат	65,3	0,5
бошқа соҳалар	2 373,0	17,5
<i>Миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган</i>	<i>12 186,6</i>	<i>90,1</i>
<i>Хорижда ишлаётган фуқаролар сони</i>	<i>1 333,7</i>	<i>9,9</i>

Иш билан банд аҳолининг тармоқлар бўйича тақсимоти



Иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг 90,1 фоизи миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган аҳолига тўғри келаётган бўлиб, хорижда ишлаётган фуқаролар сони иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг 9,9 фоизини ташкил этган.

Иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг тармоқлар бўйича энг юқори улушлари қишлоқ хўжалигига (27,2 фоиз), саноат (13,5 фоиз) ва савдо (11,0 фоиз) тармоқларига тўғри келган.

Республикада ишсизлар сони 837,0 минг киши бўлиб, республика бўйича ишсизлик даражаси 5,8 фоизни ташкил этган.

Республика бўйича аҳоли жон бошига номинал даромадлари ўртача 5 649,6 минг сўм, реал даромадлари эса 5 160,9 минг сўм миқдорида баҳоланиб, ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан номинал ўсиш 18,6 фоизни, реал ўсиш суръати эса 8,4 фоизни ташкил этган.

минг сўм

Худудлар номи	Аҳоли жон бошига номинал даромад	Аҳоли жон бошига реал даромад	Номинал ўсиш суръати (фоизда)	Реал ўсиш суръати (фоизда)
Жами республика бўйича	5 649,6	5 160,9	118,6	108,4
Қорақалпоғистон Республикаси	4 185,9	3 850,2	122,5	112,6
Андижон вилояти	5 268,7	4 818,7	122,1	111,7
Бухоро вилояти	6 631,6	6 057,9	118,4	108,2
Жиззах вилояти	4 169,3	3 811,4	116,9	106,9
Қашқадарё вилояти	4 693,5	4 283,9	118,0	107,7
Навоий вилояти	9 036,3	8 275,7	114,1	104,5
Наманган вилояти	4 273,8	3 909,8	124,0	113,5
Самарқанд вилояти	4 808,1	4 393,8	118,4	108,2
Сурхондарё вилояти	4 488,4	4 098,2	120,0	109,6
Сирдарё вилояти	5 095,9	4 668,3	99,6	91,3
Тошкент вилояти	6 049,8	5 529,0	116,1	106,1
Фарғона вилояти	4 520,2	4 129,9	114,2	104,3
Хоразм вилояти	5 440,9	4 972,5	126,9	116,0
Тошкент шаҳри	12 646,2	11 504,9	120,5	109,6

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига даромадларнинг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрига (номинал 12 646,2 минг сўм, реал 11 504,9 минг сўм), ундан кейинги ўринларда Навоий (номинал 9 036,3 минг сўм, реал 8 275,7 минг сўм) ва Бухоро (6 631,6 минг сўм, реал 6 057,9 минг сўм)

вилоятларига тўғри келган. Энг паст кўрсаткич Жиззах вилоятида (номинал 4 169,3 минг сўм, реал 3 811,4 минг сўм) қайд этилган.

2017 йилда Ўзбекистон Республикасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 457,8 минг сўмни (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятиға эға тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасиға тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2016 йилға (1 293,8 минг сўм) нисбатан 12,7фоизға ўсган.

Худудлар номи	Ўртача ойлик номинал иш ҳақи (минг сўм)	Ўртача ойликка нисбатан фоизда
Жами республика бўйича	1 457,8	x
Қорақалпоғистон Республикаси	1 386,5	95,1
Андижон вилояти	1 346,6	92,4
Бухоро вилояти	1407,2	96,5
Жиззах вилояти	1 270,7	87,2
Қашқадарё вилояти	1 343,0	92,1
Навоий вилояти	1 943,0	133,3
Наманган вилояти	1 139,7	78,2
Самарқанд вилояти	1 163,4	79,8
Сурхондарё вилояти	1 183,0	81,1
Сирдарё вилояти	1 257,8	86,3
Тошкент вилояти	1 567,1	107,5
Фарғона вилояти	1 214,9	83,3
Хоразм вилояти	1 212,1	83,2
Тошкент шаҳри	2 011,2	138,0

Ўртача ойлик номинал иш ҳақининг худудлар бўйича энг юқори миқдори Тошкент шаҳрида 2 011,2 минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик номинал иш ҳақиға нисбатан 138,0 фоиз), Навоий вилоятида 1 943,0 минг сўмни (133,3 фоиз) ва Тошкент вилоятида 1 567,1 минг сўмни (107,5 фоиз) ташкил этган бўлса, Наманган вилоятида 1 139,7 минг сўмни (78,2 фоиз), Самарқанд вилоятида 1 163,4 минг сўмни (79,8 фоиз), Сурхондарё вилоятида 1 183,0 минг сўмни (81,1 фоиз) ташкил этиб, бошқа худудларға нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасида туғилишда кутилаётган умр давомийлиги 73,7 ёшни, шундан аёллар 76,1 ёш ва эркеклар 71,3 ёшни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони 2018 йил 1 январь ҳолатига 32,7 млн. кишини ташкил этиб, 2017 йилда 536,2 минг кишига ёки 1,7 фоизга ўсган.

Жумладан, шаҳар аҳолиси сони 16,5 млн. кишини (жами аҳоли сонидagi улуши 50,6 фоиз), қишлоқ аҳолиси сони 16,1 млн. кишини (49,4 фоиз) ташкил этган.

МИНГ КИШИ

Худудлар номи	Доимий аҳоли сони	шу жумладан		Улуши (фоизда)	шу жумладан	
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
Жами республика бўйича	32 656,7	16 532,7	16 124,0	100,0	50,6	49,4
Қорақалпоғистон Республикаси	1 842,3	905,5	936,8	5,6	5,5	5,8
Андижон вилояти	3 011,7	1 576,0	1 435,7	9,2	9,5	8,9
Бухоро вилояти	1 870,2	698,6	1 171,6	5,7	4,2	7,3
Жиззах вилояти	1325,0	622,2	702,8	4,1	3,8	4,4
Қашқадарё вилояти	3 148,4	1 357,5	1 790,9	9,6	8,2	11,1
Навоий вилояти	958,0	467,6	490,4	2,9	2,8	3,0
Наманган вилояти	2 699,6	1 743,7	955,9	8,3	10,6	5,9
Самарқанд вилояти	3 720,1	1 390,8	2 329,3	11,4	8,4	14,4
Сурхондарё вилояти	2 514,2	893,3	1 620,9	7,7	5,4	10,1
Сирдарё вилояти	815,9	350	465,9	2,5	2,1	2,9
Тошкент вилояти	2 861,2	1 411,5	1 449,7	8,8	8,6	9,0
Фарғона вилояти	3 620,2	2 049,9	1 570,3	11,1	12,4	9,7
Хоразм вилояти	1 805,0	601,2	1 203,8	5,5	3,6	7,5
Тошкент шаҳри	2 464,9	2 464,9		7,6	14,9	0,0

Республика ҳудудлари кесимида таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йил 1 январь ҳолатига энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3,7 млн. кишини (республика аҳолиси сонидagi улуши 11,4 фоизни) ташкил этиб, кейинги ўринларда Фарғона вилоятида 3,6 млн. кишини (11,1 фоиз), Қашқадарё вилоятида 3,2 млн. кишини (9,6 фоиз), Андижон вилоятида 3,0 млн. кишини (9,2 фоиз) ташкил этди.

2017 йилда 715,5 минг бола туғилганлиги қайд этилган бўлиб, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффиценти 22,1 промиллени ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 0,7 промиллега камайди (2016 йилда 22,8 промилле бўлган).

2017 йилда 161,7 минг ўлим қайд этилган бўлиб, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффиценти 5,0 промиллени ташкил этиб, 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 0,1 промиллега ошди (2016 йилда 4,9 промилле бўлган).

Вафот этганлар сони 2016 йилга нисбатан 5,9 минг кишига ўсиб, уларнинг асосий қисми, яъни 60,6 фоизини 60 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳоли ташкил этган.

Республика бўйича кўчиб келганлар сони 157,1 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 175,7 минг кишини ташкил этди. Миграция сальдоси салбий, яъни минус 18,6 минг киши бўлиб, 2016 йилга нисбатан 7,6 минг кишига камайган.

Ташқи савдо айланмаси

Республикада ташқи савдо айланмаси 2017 йилда 26 566,1 млн.долларни, шу жумладан экспорт ҳажми 12 553,7 млн.долларни ва импорт ҳажми 14 012,4 млн.долларни ташкил этди. Ташқи савдо айланмаси сальдоси (салбий) 1 458,7 млн.долларни ташкил этган.

Экспорт ҳажми 2016 йилга нисбатан 3,8 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 25,3 фоизига, импорт ҳажми эса 15,4 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 26,2 фоизига тўғри келган.

Экспорт ҳажмининг аҳоли жон бошига миқдори 387,5 долларни ташкил этган.

Кўрсаткичлар	қиймати (млн.доллар)	улуши (фоизда)	ўсиш (фоизда)
Экспорт	12 553,7	100,0	3,8
пахта толаси	477,1	3,8	-25,1
озиқ-овқат маҳсулотлари	875,9	7,0	26,1
кимё маҳсулотлари	883,7	7,0	5,1
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	1 607,6	12,8	-6,2
қора ва рангли металл	914,8	7,3	29,1
машина ва асбоб-ускуналар	354,8	2,8	60,8
хизматлар	2 474,5	19,7	-20,7
бошқалар	4 965,3	39,6	19,4

Кўрсаткичлар	қиймати (млн.доллар)	улуши (фоизда)	ўсиш (фоизда)
Импорт	14 012,4	100,0	15,4
озик-овқат маҳсулотлари	1 273,9	9,1	-11,5
кимё маҳсулотлари	2 148,4	15,3	-1,4
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	742,1	5,3	26,0
қора ва рангли металл	1 275,0	9,1	38,5
машина ва асбоб-ускуналар	5 057,7	36,1	0,8
хизматлар	1 977,2	14,1	2,4 баробар
бошқалар	1 538,1	11,0	23,9

Импорт ҳажмининг энг юқори улушлари машина ва асбоб-ускуналарга (36,1 фоиз) ва кимё маҳсулотларига (15,3 фоиз) тўғри келган бўлиб, энг кам улуши энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (5,3 фоиз) ҳисобига тўғри келган.

Пул-кредит соҳаси

2017 йил якунлари бўйича инфляция даражаси 18,8 фоизни (ўзгарувчан вазнда 14,4 фоизни), ўртача йиллик инфляция даражаси 14,0 фоизни (ўзгарувчан вазнда 9,5 фоизни) ташкил этди.

Йил якуни бўйича пул массаси ҳажми 73 223,0 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 40,0 фоизга ўсган.

Пул массаси ҳажми ҳамда валюта курси либерализацияси натижасида девальвация суръатларининг кескин ошиши иқтисодиётда юқори инфляцион муҳит юзага келишига асосий сабаблардан бўлди.

2017 йилнинг 5 сентябридан бошлаб миллий валюта курси деярли икки баробарга девальвация қилиниб, хорижий валютани эркин бозор курсида харид қилиш ва сотиш имконияти яратилган.

Ўтган даврда инфляция даражасига монетар омиллар билан бир қаторда истеъмол нархларининг ўзгариши ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Мисол учун, 2017 йилнинг 1-ярмида истеъмол нархлари 5,2 фоизга (ўзгарувчан вазнда) ошиб, йилнинг охирига тўрт ойи давомида эса нарх ошиши 7,6 фоизни (ўзгарувчан вазнда) ташкил этди.

2017 йилнинг ноябрида бензин нархининг ўртача 39,7 фоизга, уй-жой коммунал хизмати тарифларининг 7,1 фоизга ошиши ҳам инфляцион муҳитга ўз таъсирини кўрсатган.

Инфляцион жараёнларни барқарорлаштириш ва пул массаси ҳажмининг ўсишини чеклаш ҳамда иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар ҳажмини мақбуллаштириш мақсадларида 2017 йилнинг 28 июнида Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси 9 фоиздан 14 фоизгача кўтарилди.

Қайта молиялаштириш ставкасининг оширилиши таъсирида тижорат банклари фоиз ставкаларининг ҳам кўтарилиши кузатилди.


2017 йил давомида ажратилган кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси 13,9 фоиздан 18,5 фоизгача кўтарилган.

2018 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан жами ажратилган кредитлар миқдори 110 572,0 млрд.сўмни ташкил этиб йил бошига нисбатан 57 961,0 млрд.сўмга ёки 2,1 баробарга ошган.

Ажратилган кредитларнинг тармоқлар бўйича энг юқори улуши саноат (45 223,0 млрд.сўм ёки 40,9 фоиз), транспорт ва коммуникация (16 205,0 млрд.сўм, ёки 14,7 фоиз) соҳаларига тўғри келган бўлиб, энг кам кўрсаткичлар коммунал соҳа (996,0 млрд.сўм ёки 0,9 фоиз) ва қурилишда (3 424,0 млрд.сўм ёки 3,1 фоиз) қайд этилган.

Кўрсаткичлар	2016 йил		2017 йил		Ўсиш (фоизда)
	млрд. сўм	улуши (фоизда)	млрд. сўм	улуши (фоизда)	
Кредитлар, жами	52 611,0	100,0	110 572,0	100,0	2,1 баробар
Саноат	18 347,0	34,9	45 223,0	40,9	2,5 баробар
Қишлоқ хўжалиги	3 033,0	5,8	4 742,0	4,3	56,3
Қурилиш	2 218,0	4,2	3 424,0	3,1	54,4
Савдо ва ижтимоий хизматлар соҳаси	4 072,0	7,7	5 246,0	4,7	28,8
Транспорт ва коммуникациялар	7 149,0	13,6	16 205,0	14,7	1,3 баробар
Коммунал хизмат кўрсатиш	456,0	0,9	996,0	0,9	1,2 баробар
Жисмоний шахслар	9 379,0	17,8	13 600,0	12,3	45,0
Бошқа тармоқлар	7 956,0	15,1	21 137,0	19,1	1,7 баробар

2017 йилда ажратилган тижорат банки кредитлари



Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотига асосан республиканинг ялпи олтин-валюта захиралари ҳажми 2017 йил якуни бўйича 28 076,9 млн.долларни ташкил этган ёки 2016 йил кўрсаткичларига (26 428,8 млн.доллар) нисбатан 6,2 фоизга ошган.

Кўрсаткичлар	қиймати (млн.доллар)	ўсиш (фоизда)
I. Ялпи олтин-валюта захиралари, шундан	28 076,9	6,2
1. Хорижий валютадаги активлар	14 042,8	-0,9
2. Монетар олтин	14 034,1	14,5
II. Соф олтин-валюта захиралари	26 567,5	5,5

Ўтган даврда хорижий валютадаги активлар 0,9 фоизга камайган бўлса, монетар олтин 14,5 фоизга, соф олтин-валюта захиралари ҳажми эса 5,5 фоизга ўсиши кузатилган.

Ташқи қарзлар структураси


2017 йил якуни бўйича Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзи йил бошидаги 14,6 млрд.доллардан 15,8 млрд долларга (7,9 фоизга) ошган.

Ташқи қарз ялпи ички маҳсулотнинг (49,6 млрд.доллар) 29,5 фоизига тўғри келган.

млн.доллар

Кўрсаткичлар	2016 йил якуни бўйича		2017 йил якуни бўйича		Ўсиш (фоизда)
	сумма	улуши (фоизда)	сумма	улуши (фоизда)	
Жами ташқи қарз	14 623,6	100,0	15 776,4	100,0	7,9
Давлат ташқи қарзи	6 474,9	44,3	7 600,0	48,2	17,4
Хусусий ташқи қарз	8 148,7	55,7	8 176,4	51,8	0,3
<i>шундан, секторлар бўйича:</i>					
нефть, газ ва энергетика	6 097,0	74,8	6 149,7	75,2	0,9
телекоммуникация	1 152,8	14,1	965,6	11,8	-16,2
банк	450,2	5,5	579,7	7,1	28,8
тўқимачилик	112,4	1,4	119,9	1,5	6,7
бошқалар	336,3	4,1	361,5	4,4	7,5

Хусусий ташқи қарз таркиби



Жами ташқи қарз таркибида давлат ташқи қарзи 48,2 фоизни, хусусий ташқи қарз 51,8 фоизни ташкил этган.

Ташқи қарздорликнинг асосий ўсиши (17,4 фоиз) давлат секторига тўғри келиб, унинг қолдиғи йил давомида 6 474,9 млн.доллардан 7 600,0 млн.долларга ошган.

Хусусий ташқи қарз ҳисобот даврида нисбатан паст даражада ўсиб 8 148,7 млн.доллардан 8 176,4 млн.долларга (27,7 млн.долларга ёки 0,4 фоизга) ошган. Шундан хусусий ташқи қарз банк секторида 129,5 млн.долларга (28,8 фоиз), тўқимачилик секторида 7,5 млн.долларга (6,7 фоиз), нефть, газ ва энергетика секторида 52,7 млн.долларга (0,9 фоиз) ошган бўлиб, телекоммуникация секторида 187,2 млн.долларга (16,2 фоиз) камайган.

2.2. 2018 йилда кутилаётган кўрсаткичлар

Ялпи ички маҳсулот

Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиш суръати 4,9 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 152 533,4 млрд.сўмни ташкил этган.

2018 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг реал ўсиш суръати 5,2 фоизни ташкил этиши ёки прогноз кўрсаткичидан (5,9 фоиз) 0,7 фоизга ортда қолиши кутилмоқда.

Ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатларининг секинлашишига асосан қўйидаги омиллар ўз таъсирини кўрсатмоқда:

- ноқулай об-ҳаво шароитлари оқибатида юзага келган сув етишмовчилиги сабабли қишлоқ хўжалиги соҳасида режалаштирилган 3,5 фоиз ўсиш даражаси ўрнига 1,2 фоизни ташкил этиши;

- электр энергияси ишлаб чиқариш суръатларининг пасайганлиги, цемент маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмининг табиий газга бўлган чекловлар оқибатида камайганлиги ҳамда ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан айланма маблағлар етишмовчилиги сабабли саноат маҳсулотларининг 4,0 трлн. сўмга кам ишлаб чиқарилиши.

2018 йил якунида ялпи ички маҳсулот ҳажми 326 997,7 млрд.сўмни ёки 39,8 млрд.долларни, унинг аҳоли жон бошига миқдори 9,9 млн.сўмни ёки 1,2 минг долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Кутилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг таркиби кўриб чиқилганда, тармоқлар бўйича жами қўшилган қиймат миқдори 282 842,8 млрд.сўмни (ялпи ички маҳсулотнинг 86,5 фоизи) ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар тушуми 44 154,8 млрд.сўмни (13,5 фоиз) ташкил этмоқда.

Тармоқлар кесимида кўшилган қийматнинг энг катта улуши (45,7 фоиз) хизматларга тўғри келган бўлиб, ушбу тармоқ бўйича ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажми 129 177,6 млрд.сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Шунингдек, ушбу кўрсаткич саноат бўйича 80 855,3 млрд.сўм (28,6 фоиз), қурилиш бўйича 20 629,6 млрд.сўм (7,3 фоиз) ва қишлоқ хўжалиги бўйича 52 180,3 млрд.сўм (18,4 фоиз) миқдорида бўлиши кутилмоқда.

2018 йилда ялпи ички маҳсулотнинг номинал ўсиш даражаси 28,7 фоизни, дефлятор миқдори 22,3 фоиз бўлган ҳолда реал ўсиш суръати 5,2 фоизни ташкил этиши баҳоланмоқда.

Шу жумладан, кутилаётган реал ўсиш миқдори қурилиш бўйича 8,0 фоизни, саноат бўйича 6,1 фоизни, хизматлар бўйича 6,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги бўйича 1,2 фоизни ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар 4,5 фоизни ташкил этмоқда.

Кўрсаткичлар	Қиймати (млрд.сўм)	ЯИМ таркибидаги улуши (фоиз)	2017 йилга нисбатан реал ўсиш миқдори (фоиз)	ЯИМ ўсишида тармоқлар хиссаси (фоиз)
Ялпи ички маҳсулот <i>шу жумладан:</i>	326 997,7	х	5,2	х
Саноат маҳсулоти	80 855,3	24,7	6,1	1,5
Қурилиш ишлари	20 629,6	6,3	8,0	0,5
Қишлоқ хўжалиги (шу жумладан, ўрмон ва балиқ хўжалиги)	52 180,3	16,0	1,2	0,2
Хизматлар	129 177,6	39,5	6,3	2,5
Маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар тушуми	44 154,8	13,5	4,5	0,5

Ялпи ички маҳсулот таркиби



Хизматлар соҳаси ялпи ички маҳсулотнинг 39,5 фоизига тўғри келиб, унинг ўсиш суръатига энг катта таъсир кўрсатиши кутилаётган тармоқ сифатида баҳоланмоқда. Ушбу соҳа 2017 йилга нисбатан 6,3 фоизга ошиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 2,5 фоиз пунктни ташкил этиши кутилмоқда.

Саноат маҳсулоти ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 24,7 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 6,1 фоизга ошган ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 1,5 фоиз пунктни ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоғининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 16,0 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 0,2 фоиз миқдорида баҳоланди ҳамда ушбу тармоқда 1,2 фоиз миқдоридаги ижобий ўсиш суръати кутилмоқда.

Маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 13,5 фоизни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан ўсиш даражаси 4,5 фоизни, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 0,5 фоиз пунктни ташкил этмоқда.

Қурилиш тармоғининг ўсиш суръатлари 8,0 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибида қурилишнинг улуши 6,3 фоизга тенг бўлиб, реал ўсишда қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,5 фоиз пункт даражасида бўлиши кутилмоқда.



Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар

2018 йил якуни билан асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажми 103 587,5 млрд. сўмни ёки 12 617,2 млн.долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31,7 фоизга тўғри келиши, 2017 йилга нисбатан ўсиш даражаси эса 14,1 фоизни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилинганда, 2018 йилда ўзлаштирилладиган инвестицияларнинг асосий қисми жалб қилинган маблағлар ҳисобига тўғри келиши, яъни улар 63 758,2 млрд.сўм (жами инвестиция ҳажмининг 61,6 фоизи) ни, корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестиция ҳажми 39 829,3 млрд.сўм (жами инвестиция ҳажмининг 38,4 фоизи) ни ташкил этиши кутилмоқда.

	Ўзлаштирилган ҳажми	Улуши (фоизда)	Ўсиш суръатлари (фоизда)
Асосий капиталга киритилган инвестиция (млрд. сўм)	103 587,5	100,0	14,1
Марказлашган инвестициялар:	33 762,6	32,6	39,4
Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	8 853,7	8,5	20,1
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	11 460,8	11,1	22,9
<i>млн.доллар ҳисобида</i>	<i>1 396,0</i>		<i>25,6</i>
Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар	13 448,0	13,0	87,5
<i>млн.доллар ҳисобида</i>	<i>1 638,0</i>		<i>91,6</i>
Марказлашмаган инвестициялар:	69 824,9	67,4	6,3
Корхоналарнинг ўз маблағлари	28 387,3	27,4	13,0
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарзлар	16 296,3	15,7	50,0
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	13 699,3	13,2	-34,5
<i>млн.доллар ҳисобида</i>	<i>1 668,6</i>		<i>-33,1</i>
Аҳоли маблағлари	11 442,0	11,0	4,0

Марказлашган инвестициялар:**Марказлашмаган инвестициялар:**

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 33 762,6 млрд.сўм (32,6 фоиз) ҳамда марказлашмаган манбалар ҳисобидан эса 69 824,9 млрд.сўм (67,4 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилмоқда.

2018 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг таркибида энг салмоқли улуш (27,4 фоиз) корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан киритиладиган инвестицияларга (28 387,3 млрд.сўм) тўғри келиши кутилмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши жами инвестиция ҳажмининг 13,2 фоизига тўғри келиб, 1 668,6 млн.доллар (13 699,3 млрд.сўм) ни ташкил этиши ёки 2017 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 33,1 фоизга камайиши баҳоланмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 3,4 фоизини ташкил этмоқда.

Аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан киритилган инвестиция ҳажми 11 442,0 млрд.сўмни (жами инвестицияларнинг 13,6 фоизи), Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари эса 8 853,7 млрд.сўмни (8,5 фоиз) ташкил этиши кутилмоқда.

Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра 2018 йил давомида умумий қиймати 41,0 млн.доллардан ортиқ бўлган “Nanyang M&F Home Textile” (Хитой) ва “Shangai marjan industrial Co ltd” (Хитой) компаниялари каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, 1000 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган. “Анадолу Груп” (Туркия) компанияси билан биргаликда 100,0 млн.долларлик “Кока-Кола Боттлерс Ўзбекистон” ҚҚни модернизациялаш ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш лойиҳаси, “Индорама” (Сингапур) компанияси билан биргаликда кимё ва тўқимачилик саноатида умумий қиймати 1,2 млрд.доллардан ортиқ бўлган янги лойиҳалар ишга туширилган. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги цемент ишлаб чиқариш заводи ҳамда Қарши-Китоб йўналиши бўйича темир йўлни электрификациялаш лойиҳалари фойдаланишга топширилган.

Республика бўйича ташкил этилган 20 та эркин иқтисодий зоналар худудида умумий қиймати 1,7 млрд.долларлик 281 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 25 мингдан зиёд иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Шунингдек, республикадаги жами 135 кичик саноат зоналарида умумий қиймати 830,7 млрд.сўмлик 914 та лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Меҳнат бозори ва демографик таҳлил


2018 йилда меҳнат ресурслари таркибидаги иқтисодий фаол аҳоли сони 14 809,9 минг кишини ташкил этиши ёки ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 3,2 фоизга ошиши кутилмоқда.

Республикада иш билан банд аҳоли сони 13 751,4 минг кишини (иқтисодий фаол аҳолининг 92,9 фоизи) ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,7 фоизга ўсиши баҳоланмоқда.

Кўрсаткичлар	МИНГ КИШИ	
	Сони	Улуши (фоизда)
Жами	13 751,4	х
шу жумладан:		
<i>Миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган</i>	<i>12 445,4</i>	<i>90,5</i>
шундан тармоқлар бўйича		
қишлоқ (шу жумладан ўрмон ва балиқ) хўжалиги	3 720,0	27,1
саноат	1 864,2	13,6
қурилиш	1 314,1	9,6
савдо	1 509,4	11,0

Кўрсаткичлар	Сони	Улуши (фоизда)
ташиш ва сақлаш	666,6	4,8
уй-жой ва озиқ-овқат бўйича хизмат кўрсатиш	318,9	2,3
ахборот ва алоқа	66,2	0,5
молия ва суғурта фаолияти	72,1	0,5
таълим	1 132,4	8,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	619,7	4,5
санъат	68,5	0,5
бошқа соҳалар	1 093,3	8,0
<i>Хорижда ишлаётган фуқаролар сони</i>	<i>1 305,9</i>	<i>9,5</i>

Миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган аҳолининг тармоқлар бўйича тақсимооти



Республикада иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг 90,5 фоизи миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган аҳолига тўғри келиши, хорижда ишлаётган фуқаролар иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг 9,5 фоизини ташкил этиши қайд этилмоқда.

Иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг тармоқлар бўйича энг юқори улушлари қишлоқ хўжалигига (27,1 фоиз), саноат (13,6 фоиз), савдо (11,0 фоиз) тармоқларига мос келиши кутилмоқда.

Республикада ишсизлар сони 1 058,6 минг киши миқдорида, республика бўйича ишсизлик даражаси эса 7,1 фоизни ташкил этиши баҳоланмоқда.

Йил якуни бўйича кичик бизнесда фаолият кўрсатаётган аҳоли қатлами жами иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг 77,7 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

Ташқи савдо айланмаси

2018 йил учун Республикада ташқи савдо айланмаси 32 415,1 млн.долларни, шу жумладан экспорт ҳажми 14 207,7 млн.долларни ва импорт ҳажми 18 207,4 млн.долларни этиши кутилмоқда.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 йилда амалда	2018 кутиляётган	Ўсиш (фоизда)	ЯИМдаги улуши (фоизда)
Жами ташқи савдо айланмаси	млн.доллар	26 566,1	32 415,1	22,0	х
<i>шундан,</i>					
Экспорт	млн.доллар	12 553,7	14 207,7	13,2	35,7
<i>Экспортнинг аҳоли жон бошига миқдори</i>	<i>доллар</i>	<i>387,5</i>	<i>432,0</i>	<i>11,5</i>	<i>х</i>
Импорт	млн.доллар	14 012,4	18 207,4	29,9	45,7
Ташқи савдо айланмаси сальдоси	млн.доллар	-1 458,7	-3 999,7	х	х

Ташқи савдо айланмаси сальдоси салбий баланс (-3 999,7 млн.доллар) билан яқунланиши баҳоланмоқда.

Экспорт ҳажми 2017 йилга нисбатан 13,2 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 35,7 фоизига, импорт ҳажми эса 29,9 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 45,7 фоизига тўғри келиши кутилмоқда.

Экспорт ҳажмининг аҳоли жон бошига миқдори 432,0 долларни (2017 йилга нисбатан 11,5 фоиз ўсиш) ташкил этиши кутилмоқда.

Пул-кредит соҳаси

2018 йил якунлари бўйича инфляция даражаси 16,8 фоиз, ўртача йиллик инфляция даражаси эса 18,0 фоиз миқдорида баҳоланмоқда.

Йил якуни бўйича пул массаси ҳажми 90 275,8 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 23,3 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Пул массаси ҳажми ҳамда энерго ресурсларнинг ошиб кетиши йил якуни бўйича иқтисодиётда юқори инфляция даражасига сабаб бўладиган асосий омиллар ҳисобланади.

Инфляция даражасидан келиб чиқиб, шунингдек пул массаси ҳажмининг ўсишини чеклаш ҳамда иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар ҳажмини мақбуллаштириш мақсадларида Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси 2018 йил 25 сентябрда 14 фоиздан 16 фоизгача кўтарилган.


Қайта молиялаштириш ставкасининг оширилиши таъсирида тижорат банклари фоиз ставкаларининг ҳам кўтарилиши кузатилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ажратилган кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси 18,5 фоиздан 20 фоизгача кўтарилган.

2018 йилнинг январь-август ойларида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг тармоқлар бўйича энг юқори улуши саноат (39,5 фоиз) ҳамда транспорт ва коммуникация (12,2 фоиз) соҳаларига тўғри келган бўлиб, энг кам кўрсаткичлар коммунал соҳа (0,8 фоиз) ва қурилишда (3,7 фоиз) қайд этилган.

Кўрсаткичлар	2018 йил 1 сентябрь ҳолатига	
	млрд. сўм	улуши (фоизда)
Кредитлар, жами	143 464,0	100,0
Саноат	56 621,0	39,5
Қишлоқ хўжалиги	11 427,0	8,0
Қурилиш	5 320,0	3,7
Савдо ва ижтимоий хизматлар соҳаси	8 777,0	6,1
Транспорт ва коммуникациялар	17 454,0	12,2
Коммунал хизмат кўрсатиш	1 099,0	0,8
Жисмоний шахслар	19 500,0	13,6
Бошқа тармоқлар	23 266,0	16,2

2018 йил 1 сентябрь ҳолатига ажратилган тижорат банки кредитлари



Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотига асосан республиканинг ялпи олтин-валюта захиралари ҳажми 2018 йил 1 октябрь ҳолатига 26 407,3 млн.долларни ташкил этган ёки йил бошидаги кўрсаткичларига (28 076,9 млн.доллар) нисбатан 5,9 фоизга камайган.

Кўрсаткичлар	қиймати (млн.доллар)	ўсиш/камайиш (фоизда)
I. Ялпи олтин-валюта захиралари, шундан	26 407,3	-5,9
1. Хорижий валютадаги активлар	12 454,4	-11,3
2. Монетар олтин	13 953,0	-0,6
II. Соф олтин-валюта захиралари	25 494,5	-4,0

2018 йил 1 октябрь ҳолатига хорижий валютадаги активлар 11,3 фоизга, монетар олтин 0,6 фоизга, соф олтин-валюта захиралари ҳажми эса 4,0 фоизга камайган.


“Олтин-валюта захираларининг нейтраллиги” тамойили асосида иқтисодиётдаги ликвидлик ва пул массасини оширишга бевосита таъсир кўрсатадиган Марказий банк томонидан олтин сотиб олиш амалиётларнинг чекланаётганлиги натижасида, шунингдек жаҳон бозоридаги олтин нархининг пасайиши ҳисобига олтин-валюта захиралари йил бошига нисбатан камайган.

Ташқи қарзлар структураси

2018 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзи 3,4 млн.долларга ёки 0,02 фоизга ортиб 15,8 млрд.долларни ташкил этган.

млн.доллар

Кўрсаткичлар	2017 йил якуни бўйича		2018 йил 1 июль ҳолатига		Ўсиш (фоизда)
	сумма	улуши (фоизда)	сумма	улуши (фоизда)	
Жами ташқи қарз	15 776,4	100,0	15 779,8	100,0	0,02
Давлат ташқи қарзи	7 600,0	48,2	8 079,2	51,2	6,3
Хусусий ташқи қарз	8 176,4	51,8	7 700,6	48,8	-5,8
<i>шундан, секторлар бўйича:</i>					
нефть, газ ва энергетика	6 149,7	75,2	5 745,2	74,6	-6,6
телекоммуникация	965,6	11,8	763,9	9,9	-20,9
банк	579,7	7,1	649,3	8,4	12,0
тўқимачилик	119,9	1,5	132,5	1,7	10,5
бошқалар	361,5	4,4	409,7	5,3	13,3

Хусусий ташқи қарз таркиби

Жами ташқи қарз таркибида давлат ташқи қарзи 51,2 фоизни, хусусий ташқи қарз 48,8 фоизни ташкил этган.

Давлат ташқи қарзлари суммасининг қолдиғи 7 600,0 млн.доллардан 8 079,2 млрд.долларга (479,2 млн.долларга ёки 6,3 фоизга) ошиши, хусусий ташқи қарз қолдиғи эса 8 176,4 млн.доллардан 7 700,6 млрд.долларга (475,8 млн.долларга ёки 5,8 фоизга) камайиши кузатилган.

Таъкидлаш жоизки, хусусий ташқи қарз бўйича мажбуриятларнинг телекоммуникация, нефть, газ ва энергетика секторларида камайиши (20,9 фоиз ва 6,6 фоиз мос равишда) қайд этилганлигига қарамасдан, банк ва тўқимачилик секторларида ташқи қарзнинг ўсиши (12,0 фоиз ва 10,5 фоиз мос равишда) кузатилган.

2018 йил якуни бўйича Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи 8 978,2 млрд.долларни, шундан халқаро молия институтлари ҳисобига 5 088,8 млрд.доллар ҳамда ҳукумат қарзлари ҳисобига 3 889,4 млрд.долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Ушбу давлат ташқи қарзи ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 22,2 фоизига тўғри келади.

2.3. 2019 йил прогноз кўрсаткичлари

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози иқтисодиётни эркинлаштириш ва фаол инвестицион сиёсат шароитида шакллантирилган.

2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози тайёрланишида қуйидагилар ҳисобга олинган:

- ташқи бозорлар конъюнктурасининг ўзгаришлари, шу жумладан мамлакатнинг асосий экспорт номенклатураси бўйича қулай шарт-шароитлари билан тавсифланувчи асосий савдо ҳамкорлари бўлган давлатлардаги ўзгаришлар;

- валюта бозори ва нархни шакллантиришни либераллаштириш бўйича кўрилган чоралар, солиқ ва божхона тўловларини оптималлаштириш;

- Инвестиция дастури ҳамда ҳудудлар, шаҳарлар ва туманларни комплекс ривожлантириш дастури доирасида ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва ошириш.

Ялпи ички маҳсулот

2019 йилдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми 424 112,9 млрд.сўмни ёки 49,9 млрд.долларни, унинг аҳоли жон бошига миқдори 12,7 млн.сўмни ёки 1,5 минг долларни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Режалаштирилган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг таркиби кўриб чиқилганда, тармоқлар бўйича жами кўшилган қиймат миқдори 362 481,1 млрд.сўмни (ялпи ички маҳсулотнинг 85,5 фоизи) ҳамда маҳсулотлар

ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар тушуми 61 631,8 млрд.сўмни (14,5 фоиз) ташкил этмоқда.


Тармоқлар кесимида қўшилган қийматнинг энг катта улуши (45,3 фоиз) хизматларга тўғри келган бўлиб, ушбу тармоқ бўйича ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажми 164 060,3 млрд.сўмни ташкил этиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, ушбу кўрсаткич саноат бўйича 107 526,5 млрд.сўм (29,7 фоиз), қурилиш бўйича 28 060,9 млрд.сўм (7,7 фоиз) ва қишлоқ хўжалиги бўйича 62 833,3 млрд.сўм (17,3 фоиз) миқдорида бўлиши кутилмоқда.

2019 йилда ялпи ички маҳсулотнинг номинал ўсиш даражаси 29,7 фоизни, дефлятор миқдори 23,0 фоиз бўлган бўлган ҳолда реал ўсиш суръати 5,4 фоизни ташкил этиши режалаштирилган.

Кутилаётган реал ўсиш миқдори қурилиш бўйича 8,4 фоизни, саноат бўйича 4,9 фоизни, хизматлар бўйича 6,2 фоизни, қишлоқ хўжалиги бўйича 3,3 фоизни ҳамда маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар 5,0 фоизни ташкил этмоқда.

Кўрсаткичлар	Қиймати (млрд.сўм)	ЯИМ таркибидаги улуши (фоиз)	2018 йилга нисбатан реал ўсиш миқдори (фоиз)	ЯИМ ўсишида тармоқлар ҳиссаси (фоиз)
Ялпи ички маҳсулот <i>шу жумладан:</i>	424 112,9	х	5,4	х
Саноат маҳсулоти	107 526,5	25,4	4,9	1,2
Қурилиш ишлари	28 060,9	6,6	8,4	0,6
Қишлоқ хўжалиги (шу жумладан, ўрмон ва балиқ хўжалиги)	62 833,3	14,8	3,3	0,5
Хизматлар	164 060,3	38,7	6,2	2,4
Маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар тушуми	61 631,8	14,5	5,0	0,7

Ялпи ички маҳсулот таркиби



Хизматлар соҳаси ялпи ички маҳсулотнинг 38,7 фоизига тўғри келиб, унинг ўсиш суръатига энг катта таъсир кўрсатиши кутилаётган тармоқ сифатида баҳоланмоқда. Ушбу соҳа 2018 йилга нисбатан 6,2 фоизга ошиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 2,4 фоиз пунктни ташкил этиши кутилмоқда.


Саноат маҳсулотининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 25,4 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 4,9 фоизга ошиши ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 1,2 фоиз пунктни ташкил этиши кутилмоқда.

2019 йил яқунларига кўра, қишлоқ хўжалигида 3,3 фоиз миқдоридаги ижобий ўсиш суръати кутилмоқда. Ушбу тармоқнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 14,8 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 0,5 фоиз миқдорида баҳоланмоқда.

Маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 14,5 фоизни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан ўсиш даражаси 5,0 фоиз бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсири 0,7 фоиз пунктни ташкил этмоқда.

Қурилиш тармоғининг ўсиш суръатлари 8,4 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибида қурилишнинг улуши 6,6 фоизга тенг бўлиб, реал ўсишда қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,6 фоиз пункт даражасида бўлиши кутилмоқда.

Ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиш суръатлари



- Саноат маҳсулоти
- Қурилиш ишлари
- Қишлоқ хўжалиги (шу жумладан, ўрмон ва балиқ хўжалиги)
- Хизматлар
- Маҳсулотлар ва экспорт-импорт операциялари ҳисобидан олинган соф солиқлар тушуми

2017-2019 йиллар давомида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг барқарор ўсиш суръатлари кузатилиши кутилмоқда. Ўсиш суръатларига энг катта таъсир кўрсатадиган тармоқлар асосан хизматлар ва саноат маҳсулотлари ҳисобига тўғри келмоқда.

Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар


2019 йил якуни билан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажми 137 724,7 млрд.сўмни ёки 16 202,9 млн.долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 32,5 фоизга тўғри келиши, 2018 йилга нисбатан ўсиш даражаси эса 17,0 фоизни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилинганда, 2018 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг асосий қисми жалб қилинган маблағлар ҳисобига тўғри келиши, яъни улар 87 724,3 млрд.сўм (жами инвестиция ҳажмининг 63,7 фоизи) ни, корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестиция ҳажми 50 000,4 млрд.сўм (жами инвестиция ҳажмининг 36,3 фоизи) ни ташкил этиши кутилмоқда.

	Ўзлаштирилган ҳажми	Улуши (фоизда)	Ўсиш суръатлари (фоизда)
Асосий капиталга киритилган инвестиция (млрд. сўм)	137 724,7	100,0	17,0
Марказлашган инвестициялар:	48 249,7	35,0	30,4
Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	11 780,3	8,6	8,1
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	8 778,9	6,4	-27,6
<i>млн.доллар ҳисобида</i>	<i>1 032,8</i>		-26,0
Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар	27 690,5	20,1	2 баробар
<i>млн.доллар ҳисобида</i>	<i>3 257,7</i>		<i>2 баробар</i>
Марказлашмаган инвестициялар:	89 475,0	65,0	10,5
Корхоналарнинг ўз маблағлари	36 018,4	26,2	6,0
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарзлар	20 774,7	15,1	6,5
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	18 700,0	13,6	29,0
<i>млн.доллар ҳисобида</i>	<i>2 200,0</i>		<i>31,8</i>
Аҳоли маблағлари	13 982,0	10,2	5,0

Марказлашган инвестициялар:



Марказлашмаган инвестициялар:



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 48 249,7 млрд.сўм (35,0 фоиз) ҳамда марказлашмаган манбалар ҳисобидан эса 89 475,0 млрд.сўм (65 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилмоқда.

2018 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг таркибида энг салмоқли улуш (26,2 фоиз) корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан киритиладиган инвестицияларга (27 690,5 млрд.сўм) тўғри келиши кутилмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши жами инвестиция ҳажмининг 13,6 фоизига тўғри келиб, 2 200,0 млн.доллар (18 700,0 млрд.сўм) ни ташкил этиши ёки 2018 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 31,8 фоизга ошиши баҳоланмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 4,4 фоизини ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар жами инвестиция ҳажмининг 20,1 фоизига тўғри келиб, 3 257,7 млн.доллар (27 690,5 млрд.сўм) ни ташкил этган ҳолда 2018 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 2 баробарга ўсиши кутилмоқда.

Аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан киритилган инвестиция ҳажми 13 982,0 млрд.сўмни (жами инвестицияларнинг 10,2 фоизи), Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари эса 11 780,3 млрд.сўмни (8,6 фоиз) ташкил этиши кутилмоқда.

Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра 2019 йилда 11 та эркин иқтисодий ва 47 та кичик саноат зоналарининг муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини қурилишини яқунлаш режалаштирилган.

Ихтисослашган эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида 2019 йилда ишга туширилиши кутилаётган лойиҳалар сони 1 667 тани ташкил этмоқда.

Ушбу зоналарда машинасозлик, электр техникаси, кимё, қурилиш саноати, енгил, озиқ-овқат ва фармацевтика саноати ва бошқа тармоқлар бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобига 48 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.


Меҳнат бозори ва демографик таҳлил

2019 йилда меҳнат ресурслари таркибидаги иқтисодий фаол аҳоли сони 15 022,8 минг кишини ташкил этиши ёки ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 1,4 фоизга ошиши кутилмоқда.

Республикада иш билан банд аҳоли сони 13 986,6 минг кишини (иқтисодий фаол аҳолининг 93,1 фоизи) ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,7 фоизга ўсиши баҳоланмоқда.

Кўрсаткичлар	МИНГ КИШИ	
	Сони	Улуши (фоизда)
Жами	13 986,6	x
шу жумладан:		
<i>Миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган</i>	<i>12 688,3</i>	<i>90,7</i>
шундан тармоқлар бўйича		
қишлоқ (шу жумладан ўрмон ва балиқ) хўжалиги	3 770,1	27,0
саноат	1 892,8	13,5
қурилиш	1 338,6	9,6
савдо	1 535,1	11,0
ташиш ва сақлаш	678,9	4,9
уй-жой ва озиқ-овқат бўйича хизмат кўрсатиш	325,4	2,3
ахборот ва алоқа	68,2	0,5
молия ва суғурта фаолияти	74,7	0,5
таълим	1 147,4	8,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	629,4	4,5
санъат	70,2	0,5
бошқа соҳалар	1 157,4	8,3
<i>Хорижда ишлаётган фуқаролар сони</i>	<i>1 298,3</i>	<i>9,3</i>

Миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган аҳолининг тармоқлар бўйича тақсимоти



Иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг 90,7 фоизи миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган аҳолига тўғри келиши, хорижда ишлаётган фуқаролар иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг 9,3 фоизини ташкил этиши қайд этилмоқда.

Иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг тармоқлар бўйича энг юқори улушлари қишлоқ хўжалигига (27,0 фоиз), саноат (13,5 фоиз), савдо (11,0 фоиз) тармоқларига мос келиши кутилмоқда.

Республикада ишсизлар сони 1 036,3 минг киши миқдорида баҳоланган бўлиб, республика бўйича ишсизлик даражаси 6,9 фоизни ташкил этиши баҳоланмоқда.

Йил якуни бўйича кичик бизнесда фаолият кўрсатаётган аҳоли қатлами жами иш билан банд бўлган меҳнат ресурсларининг 77,6 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

Ташқи савдо айланмаси

Ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар ва экспортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чоралар ҳисобига 2019 йилда Республикада ташқи савдо айланмаси 35 766,3 млн.долларни, шу жумладан экспорт ҳажми 16 415,5 млн.долларни ва импорт ҳажми 19 350,8 млн.долларни этиши кутилмоқда.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 кутиляётган	2019 прогноз	Ўсиш (фоизда)	ЯИМдаги улуши (фоизда)
Жами ташқи савдо айланмаси	млн.доллар	32 415,1	35 766,3	10,3	х
<i>шундан,</i>					
Экспорт	млн.доллар	14 207,7	16 415,5	15,5	32,9
<i>Экспортнинг аҳоли жон бошига миқдори</i>	<i>доллар</i>	<i>432,0</i>	<i>491,6</i>	<i>13,8</i>	<i>х</i>
Импорт	млн.доллар	18 207,4	19 350,8	6,3	38,8
Ташқи савдо айланмаси сальдоси	млн.доллар	-3 999,7	-2 935,3	х	х

Ташқи савдо айланмаси сальдоси салбий баланс (-2 935,3 млн.доллар) билан яқунланиши баҳоланмоқда.

Экспорт ҳажми 2018 йилга нисбатан 15,5 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 32,9 фоизига, импорт ҳажми эса 6,3 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулотнинг 38,8 фоизига тўғри келиши кутилмоқда.

Экспорт ҳажмининг аҳоли жон бошига миқдори 491,6 долларни (2018 йилга нисбатан 13,8 фоиз ўсиш) ташкил этиши кутилмоқда.

Пул-кредит соҳаси

2019 йилда яқунлари бўйича инфляция даражаси 15,5 фоиз, ўртача йиллик инфляция даражаси эса 16,4 фоиз миқдорида баҳоланмоқда.

Йил якуни бўйича пул массаси ҳажми 116 608,5 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 29,2 фоизга ўсиши кутиляпти.

Келгуси йилда қайта молиялаштириш ставкаси 2018 йилдагидек 16,0 фоиз миқдорида сақланиши кўзда тутилмоқда.

2019 йилда ҳам иқтисодийликдаги ликвидлик ва пул массасини оширишга бевосита таъсир кўрсатадиган Марказий банк томонидан олтин сотиб олиш амалиётларининг олдини олишга йўналтирилган “олтин-валюта захираларининг нейтраллиги” тамойили асосида сиёсат юритилиши режалаштирилган.

2021 йилга қадар нархлар ўсишига таъсир кўрсатадиган монетар омилларнинг чеклаш ҳамда истеъмол талаби товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларининг таклифини мувозанатини таъминлаш ҳисобига инфляция даражасини 15,5 фоиздан 9 фоизгача камайтириш кўзда тутилмоқда.

Давлат ташқи қарзи

2019 йил якуни бўйича Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи 11 193,5 млрд.долларни (ўсиш 2018 йилда кутилаётган кўрсаткичга нисбатан 24,7 фоиз) ташкил этиши кутилмоқда. Шундан халқаро молия институтлари ҳисобига 6 525,2 млрд.доллар (ўсиш 28,2 фоиз) ҳамда ҳукумат қарзлари ҳисобига 4668,4 млрд.долларни (ўсиш 20,0 фоиз) ташкил этади.

Ушбу давлат ташқи қарзи ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 22,7 фоизига тўғри келади.

III. Солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг ҳисоб-китоби

3.1. Солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарори (кейинги ўринларда ПҚ-3454-сонли қарори деб аталади) билан 2018 йил учун солиқ ставкалари тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли Фармонида (кейинги ўринларда ПФ-5468-сонли Фармони деб аталади) 2019 йилда солиқ юқини камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятини такомиллаштириш топшириқлари берилган.

2019-2021 йиллар учун солиқ сиёсатини такомиллаштириш доирасида қуйидагилар кўзда тутилмоқда:

- айрим солиқ турлари ставкаларининг ҳар йиллик индексацияси амалга оширилади. Ресурс тўловлари ставкалари қатъий миқдорларда белгиланганлигини инобатга олган ҳолда, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек Давлат бюджетидан ресурс солиқларининг улушини сақлаб қолиш мақсадида, ушбу солиқлар ставкаларининг ҳар йиллик индексациясини амалга ошириш;

- алкоголь ва тамаки маҳсулотларига акциз солиғини ҳисоблаш тартиби такомиллаштириш. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига биноан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолчини камайтиришнинг яхши воситаларидан бири акциз солиғи ставкаларининг оширилиши ҳисобланади.

Шу муносабат билан, 2020 йилдан бошлаб, тамаки (сигарет) маҳсулотларини чакана сотишнинг шундай қоидалари ўрнатиладики, унга кўра чакана нархнинг чекланган миқдори тамаки маҳсулотининг (сигарет) кутисида кўрсатилади. Кўрсатилган нархдан эса адвалор ставкада акциз солиғи ундирилади. Шу билан бирга, инфляция даражаси ва аҳоли харид қобилиятидан келиб чиққан ҳолда тамаки маҳсулотлари (сигарет) учун акциз солиғи қатъий ставкаларини индексация қилиш кўзда тутилмоқда.

Шу каби алкоголь маҳсулотларини ҳам чакана нархидан келиб чиққан ҳолда акциз солиғи ҳисоблаш тартиби ўзгартирилади;

- юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш такомиллаштирилмоқда. Ҳозирги вақтда юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ, тўловчининг ҳисоб сиёсати маълумотларига асосан мулкнинг ўртача йиллик қийматидан ҳисобланади. Бунда мазкур қиймат мулкнинг бозор қийматини акс эттирмайди. Шу сабабли, мулкнинг ҳақиқий қийматидан солиқ солишнинг адолатлилиги таъминлаш мақсадида, 2021 йилдан бошлаб мулкнинг кадастр қийматидан солиқ солишга ўтиш режалаштирилмоқда.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича таклиф этилаётган ставкалар

Т/р	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар номи	Амалдаги ставка	Таклиф этилаётган ставка
1.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	14%	12%
2.	Дивиденд ва фоизлар кўринишидаги даромадлар	10%	5%
3.	Ягона ижтимоий тўлов	15%	12%
4.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	7,5-22,5%	12%
5.	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари	8%	0%
6.	Ягона солиқ тўлови	5%	4%
7.	Кўшилган қиймат солиғи	20%	20%

Т/р	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар номи	Амалдаги ставка	Таклиф этилаётган ставка
8.	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	5%	2%
9.	Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар	3,2%	0%
10.	Ер солиғи	ставка 15% индексация қилинган	ставка 20% индексация қилинмоқда

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи Солиқ кодексининг V бўлими билан тартибга солинган.

2019 йил 1 январдан бошлаб, фойда солиғи тўловчиларнинг солиқ юкини камайтириш ҳамда инвестициялар ҳажмининг ўсишига кенг шароитлар яратиш мақсадида:

1. Тижорат банкларининг фойда солиғи ставкаси 22 фоиздан 20 фоизга, қолган юридик шахслар учун фойда солиғи ставкаси эса 14 фоиздан 12 фоизга пасайтирилмоқда.

Солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларда 374,0 млрд.сўмдан зиёд қўшимча даромадлар шаклланиб, инвестицион фаолликни оширишга замин яратилади.

2. Қўшимча фойда солиғини тўловчи юридик шахслар учун фойда солиғи ставкаларини 14 фоиздан 20 фоизгача ошириш ҳисобига қўшимча фойда солиғи ҳисоблаш тартиби бекор қилинмоқда (*мис ва газ маҳсулотларидан ташқари, цемент, полиэтилен гранулалари ишлаб чиқарувчилар қўшимча фойда солиғи ҳисоблаш ва мобиль алоқа хизмати кўрсатаётган юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун рентабеллик даражасидан келиб чиқиб, қўшимча фойда солиғи ҳисоблаш тартиби бекор қилинади*).

Цемент, полиэтилен гранулалари ишлаб чиқарувчилар қўшимча фойда солиғи ҳисоблаш ва мобиль алоқа хизмати кўрсатаётган юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун қўшимча фойда солиғининг бекор қилиниши натижасида уларнинг молиявий барқарорлиги таъминланиб, ихтиёрида 494,0 млрд.сўм миқдоридagi маблағлар қолиши кутилмоқда.

3. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари даромадлари учун фойда солиғи ставкалари сақлаб қолинмоқда.

4. Тўлов манбаида ушлаб қолинадиган дивиденд ва фойда кўринишидаги даромадлар бўйича фойда солиғи ставкаси 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилмоқда.

Натижада, солиқ тўловчилар ихтиёрида 208,0 млрд.сўм миқдоридаги маблағлар қолишига ҳамда худудлар маҳаллий иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ошишига имконият яратилади.

5. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг солиқ солинадиган базасини аниқлаш механизмини соддалаштириш мақсадида:

а) ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегирилмайдиган харажатларнинг ёпиқ рўйхати, чегириладиган харажатларнинг эса очик рўйхати белгиланмоқда.

Хусусан, Солиқ кодексининг 147-моддасида белгиланган солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатлар таркибидан қуйидагилар чиқариб ташланмоқда:

- 3-банди. Солиқ кодекси 145-моддасининг 11, 14 ва 32-бандларида белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар (хизмат сафарлари, вакиллик харажатлари, ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари).

Мазкур ўзгартиришнинг киритилишида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хизмат сафарлари, вакиллик харажатлари ва суғурта бўйича харажатларини асоссиз равишда оширилишига ва солиқ солинадиган базани қисқаришига олиб келишини назарда тутиш лозим.

- 14-банди. Меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача шикастланиши сабабли ходимларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган тўловлар.

Ушбу турдаги харажатлар ходимнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, тўлиғича чегириладиган харажатлар таркибига киритилмоқда;

- 22-банди. Суд чиқимлари.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг судларда иштирок этиши фаолиятига бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли, чегириладиган харажатлар таркибига киритилмоқда;

- 27-банди. Бошқа харажатлар, Солиқ кодексининг 142—145-моддаларида кўрсатилганлари бундан мустасно.

Мазкур банд чегирилмайдиган харажатларнинг ёпиқ рўйхати шакллантирилаётганлиги боис чиқариб ташланмоқда.

Шунингдек, қуйидаги бандларга ўзгартиришлар киритилмоқда:

- 12-банди. Пенсияларга устамалар ва қўшимчалар.

Ўзгартириш билан пенсияларга қўшимча тўловлар ҳам чегирилмайдиган харажатлар таркибига киритилмоқда;

- 15-банди. Бадаллар, ҳомийлик ва хайрия ёрдамлари тарзидаги маблағлар.

Киритилаётган ўзгартиришларга мувофиқ, солиқ тўловчининг нафақат экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат органлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, барча турдаги бадаллари, ҳомийлик ва хайрия ёрдамлари тарзидаги маблағлари чегирилмайдиган харажатлар таркибига киритилмоқда;

- 19-банди. Кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар, агар тўлов муддати ўтган кредитлар бўйича ставкалар жорий қарздорлик учун белгиланганидан 20 %дан кўпроққа фарк қилса.

Мазкур ўзгартириш билан хўжалик юритувчи субъектларга тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар бўйича фоизларни тўлашга йўналтирилган харажатларни солиқ солинадиган базадан чегиришга имконият берилмоқда ва унинг юқори чегараси белгиланмоқда.

Бундан ташқари, қуйидаги харажатлар ҳам чегирилмайдиган харажатлар таркибига киритилмоқда:

- Ўзбекистон Республикаси норезиденти учун тўланган солиқлар;
- текширишлар натижалари билан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга (соғлиқни сақлаш, спорт ва маданий тадбирлар, дам олишни ташкил этиш ва хоказо) харажатлар;
- касаба уюшма қўмиталарига хомийлик ёрдами.

Мазкур харажат 15-бандга киритилаётган ўзгартириш билан қамраб олинаётганлиги боис, алоҳида бандда киритилиши мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш лозим бўлади;

- маҳсулот ишлаб чиқариш (шаҳарлар ва қишлоқларни ободонлаштириш бўйича ишлар, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар) билан боғлиқ бўлмаган ишларни (хизматларни) бажаришга харажатлар.

Мазкур харажатларни чегирилмайдиган харажатлар таркибига киритилиши натижасида корхоналар томонидан ободонлаштиришга харажатларини кескин қисқаришига олиб келишлигидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

б) асосий воситалар учун эскиришнинг қуйидагича янги нормалари ўрнатилмоқда:

- бинолар, иморатлар – 3 фоиз;
- иншоотлар – 5 фоиз;

- темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби, денгиз, дарё кемалари, балиқчилик саноати кемалари, ҳаво транспорти – 4 фоиз.

6. Резидент юридик шахслар томонидан халқаро бозорларда қимматли қоғозларни жойлаштиришни жозибадорлигини ошириш мақсадида, норезидент юридик шахсларни, резидент юридик шахсларнинг халқаро фонд биржаларида жойлаштирилган қимматли қоғозлари бўйича тўлов манбаида ундириладиган фойда солиғидан озод қилинмоқда.

Жисмоний шахслар олинадиган даромад солиғи

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Солиқ кодексининг VI бўлими билан тартибга солинган.

1. ПҚ-3454-сонли қарори билан 2018 йил учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари тасдиқланган ва 4 даражали шкала асосида ҳисоблаб қилинмоқда.

ПФ-5468-сонли Фармонига мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб, барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдорида жорий этиш, шундан 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтирилмоқда.

Бунда, айрим тоифадаги фуқароларнинг энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдоридаги даромадларини солиқ солишдан озод қилишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинмоқда.

Бунинг натижасида, меҳнатга ҳақ тўлаш фондида солиқ юки камайтирилмоқда ва корхоналар томонидан ишчи ва хизматчиларни тўлиқ расмийлаштириши ҳамда иш ҳақи фондининг ошишига эришилиши кутилмоқда.

Солиқ ҳисоботларини унификация қилиш ва қисқартириш мақсадида тўлов манбаида ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тартиби ва муддатларини ўзгартириш ҳамда солиқ ҳисоботини ягона ижтимоий тўлов билан бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади;

2. Дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқ ставкасини 10 фоиздан 5 фоизгача камайтириш таклиф этилмоқда.

Ушбу солиқ тури бўйича ставканинг пасайтирилиши корхоналар томонидан иш ҳақи фондини камайтириш ва даромадларни дивиденд тарзида чиқим қилинишига олиб келиши мумкинлигини назарда тутиш лозим бўлади;

3. Ўзбекистон Республикаси норезидентларнинг даромадлари бўйича солиқ ставкаси сақлаб қолинмоқда.

Қўшилган қиймат солиғи

Қўшилган қиймат солиғи Солиқ кодексининг VII бўлими билан тартибга солинган.

1. Бюджетнинг баланслаштирилганлигини сақлаш ва қўшилган қиймат солиғи базасини кенгайтириш мақсадида қўшилган қиймат солиғи бўйича 20 фоиз ва “0” фоизли ставкалар сақлаб қолинмоқда.

Шу билан бирга, сотиб олинган асосий воситаларнинг, қурилиши тугалланмаган объектларнинг ва номоддий активларнинг қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиб бориш ҳуқуқи берилмоқда.

Бундай усул халқаро тажрибада кенг қўлланилаётган бўлиб, корхонанинг асосий воситаларини ортишига ҳамда амортизация суммасининг камайиши ҳисобига таннархнинг пасайишига олиб келади.

Натижада, республика бўйича қўшилган қиймат солиғи тўловчи корхоналар ихтиёрида 2 790,0 млрд.сўм миқдордаги маблағлар қолишига имкон беради;

2. Лойиҳада 2021 йил якунига қадар, йиллик товар айланмаси 4 млрд.сўмгача бўлган корхоналарга ҚҚС ҳисоблашнинг соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи вақтинчалик тартибни жорий этиш, бир вақтнинг ўзида улар учун ҚҚС ҳисобга олиш механизмини бекор қилган ҳолда ўртача қўшилган қиймат асосида аниқланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланадиган ҚҚСнинг шартли ставкаларни қўллаш таклиф этилмоқда.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоблашнинг соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқига эга бўлган корхоналар ва ҚҚСнинг шартли ставкалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси кўриб чиқиш учун Ҳисоб палатасига тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади;

3. ПФ-5468-сонли Фармонига мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинадиган асосий воситалар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва номоддий активлар нархига киритиладиган ҚҚСни ҳисобга олиш суммаларига қуйидаги тартибда киритиш ҳуқуқи берилмоқда:

- асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш – фойдаланишга топширишдан бошлаб 12 ой давомида тенг улушларда;

- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган кўчмас мулк бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш – 36 ой давомида тенг улушларда амалга оширилиши таклиф этилмоқда.

Мазкур тартибни жорий этиш корхоналарнинг айланма маблағларини ошишига, шунингдек амортизация суммасини пасайтириш ҳисобига таннархнинг камайишига имкон бериши билан бирга, қўшилган қиймат солиғи ҳисоблашнинг халқаро амалиёти билан мувофиқлаштирилмоқда.

Қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш муддатларини асосий воситалар объектдан келиб чиқиб белгиланиши кутилаётган натижани бермаслигидан келиб чиқиб, ҳисобга олиш муддатларини ҚҚС суммасидан келиб чиқиб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Масалан, йирик ишлаб чиқариш қувватларига эга асбоб-ускуналари бўйича қўшилган қиймат солиғини 12 ой давомида тенг миқдорда ҳисоб (зачет)га олган тақдирда бюджетга ушбу солиқ тушумининг сезиларли пасайишига олиб келиниши мумкин;

4. Лойиҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилмаётган кўчмас мулк бўйича қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаслиги белгиланмоқда.

Амалдаги қонунчиликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилмаётган кўчмас мулкни аниқлаш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлмаганлиги учун, уни аниқлашнинг тартибини белгилаш лозим;

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланадиган мезонларга жавоб берадиган юридик шахслар томонидан товарларни импорт қилишда “шартли” ҚҚСни тўлашни, тўланган “шартли” ҚҚС белгиланган тартибда ҳисобга олинишини назарда тутувчи тартибни жорий этиш таклиф этилмоқда.

Мазкур тартиб, товарларни импорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблағларини камайтиришга йўл қўймаслик мақсадида жорий қилинмоқда.

Акциз солиғи

Акциз солиғи Солиқ кодексининг VIII-бўлими билан тартибга солинган.

1. ПФ-5468-сонли Фармонига мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб тегишли тадбирларни молиялаштириш учун маблағларни республика бюджетига ўтказган ҳолда, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ҳар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига ўрнатилган акциз ва йиғимлар бирлаштирилмоқда;

2. Акциз солиғи суммасини ҳисоблаш тартиби соддалаштирилиб, акциз солиғи суммасини ҳисобга олиш тартиби бекор қилинмоқда;

3. Мутлоқ суммаларда белгиланган акциз солиғи ставкалари икки босқичда оширилиши таклиф этилмоқда:

Биринчи босқичда, 2019 йил 1 январдан бошлаб, ҳисобга олиш тизимини бекор қилишни ва йиғимни ҳисобга олган ҳолда (алкоголли маҳсулотга) (далга):

- этил спирти – 9 800 сўм (25 фоиз);
- табиий вино – 7 700 сўм (10 фоиз);
- бошқа винолар – 13 200 сўм (10 фоиз);
- коньяк – 92 500 сўм (25 фоиз);
- ароқ ва бошқа алкогольли маҳсулотлар – 84 500 сўм (25 фоиз);
- пиво - 9 200 сўм (20 фоиз).

Иккинчи босқичда, 2019 йил 1 июлдан бошлаб, ҳисобга олиш тизимини бекор қилишни ва йиғимни ҳисобга олган ҳолда (алкоголли маҳсулотга) (далга):

- этил спирти – 10 800 сўм (10 фоиз);

- табиий вино – 9 200 сўм (10 фоиз);
- бошқа винолар – 14 500 сўм (10 фоиз);
- коньяк – 101 800 сўм (10 фоиз);
- ароқ ва бошқа алкогольли маҳсулотлар – 93 000 сўм (10 фоиз);
- пиво – 10 100 сўм (10 фоиз);

4. Сигареталарга акциз солиғи бўйича қуйидаги комбинациялашган ставкалар жорий этилмоқда:

- 2019 йил 1 январдан 1000 дона учун – 117 900 сўм (40 фоиз индексация);
- 2019 йил 1 июлдан 1000 дона учун – 141 500 сўм (20 фоиз индексация);
- соф тушумга нисбатан 4 фоиз миқдорида адвалор ставка.

2020 йилдан бошлаб адвалор ставка сигарета қутисида кўрсатилган баҳосидан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши белгиланмоқда;

5. Ўсимлик (пахта) ёғи нархининг ошиб кетмаслиги ва ёғ ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўсимлик (пахта) ёғи учун акциз солиғи бекор қилинмоқда ва бунинг натижасида республика бўйича ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналар ихтиёрида 70,0 млрд.сўм миқдорида маблағлар қолиши кутилмоқда;

6. Нефть маҳсулотлари учун 2018 йил 1 октябрдан кучга кирган 90 фоизга пасайтирилган акциз солиғи ставкаси сақлаб қолинмоқда, бунинг натижасида нефть ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий аҳволи барқарорлаштирилишига эришилиши назарда тутилмоқда;

7. Табиий газ нархининг кескин ошишини олдини олиш ва нефть-газ ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида табиий газ учун акциз солиғини ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга пасайтирилмоқда.

Натижада, нефть-газ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ихтиёрида 908,0 млрд.сўм миқдоридаги маблағлар қолиши кутилмоқда;

8. Бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқ ўрнига қуйидагича акциз солиқлари жорий қилиниши белгиланмоқда:

- а) бензин – 1 литр учун 285 сўм.
- б) дизел ёқилғиси учун – 285 сўм.
- в) сиқилган газ учун – 285 сўм.
- г) табиий газ учун – 435 сўм.

9. “Дженерал Моторс Ўзбекистон” АЖ автомашиналари учун ҳозирги кунда ўрнатилган 5 фоизли акциз солиғи бекор қилинмоқда;

10. Полиэтилен грануласи акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар таркибига киритилмоқда ва акциз солиғи ставкаси 25 фоиз миқдорида белгиланмоқда;

11. Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни 4 000 сўмдан 2 000 сўмга пасайтириш ва мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун 15 фоизли ставкада акциз солиғи жорий қилинмоқда.

Бунда, абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов тўлиқлигича ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига тушиши таъминланган ҳолда, жамғарма тушумларида ўтган йилга нисбатан пасайиш кузатилмаслиги назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3973-сон қарорининг 3-бандига асосан мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг Давлат бюджетига тушадиган қисмини 29 фоиздан 10 фоизга камайтирган ҳолда, 19 фоизи Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбаларидан бири сифатида белгиланган.

Шу сабабли, Давлат бюджети харажатларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасига ажратмаларни назарда тутиш лозим бўлади.

Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар

Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар Солиқ кодексининг IX бўлими 43-боби билан тартибга солинган.

1. Цемент хом-ашёсидан ташқари ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича амалдаги ставкалар сақлаб қолинмоқда;

2. Қўшимча фойда солиғининг бекор қилиниши ҳисобига цемент хом-ашёси учун солиқ ставкаси 15 фоиз миқдорида ва солиқ солиш объекти цементнинг ўртача сотиш баҳоси этиб белгиланмоқда;

3. Энергия ташувчилар, рангли, ноёб металллар, асл ва қора металллардан ташқари қазилмалар учун солиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида белгиланган қатъий белгиланган ставкалардан кам бўлмаган миқдорда ҳисоблаш ва тўлаш тартиби жорий қилинмоқда.

Энергия ташувчилар, рангли, ноёб металллар, асл ва қора металллардан ташқари қазилмалар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини белгилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси кўриб чиқиш учун Ҳисоб палатасига тақдим этилиши лозим.

Қўшимча фойда солиғи

Қўшимча фойда солиғи Солиқ кодексининг IX-бўлими 44-боби билан тартибга солинган.

ПФ-5468-сонли Фармонида қўшимча фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини, шу жумладан роялти тўлашни жорий этиш орқали такомиллаштириш белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, алоҳида турдаги маҳсулотлар (мис ишлаб чиқарувчи ва газ етказиб берувчи корхоналардан ташқари) учун қўшимча фойда солиғи тўлаш тартиби бекор қилинмоқда.

Давлат улуши мавжуд корхоналарга тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш самарадорлигини ошириш, шунингдек солиқларни унификация қилиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш мақсадида, мис ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун қўшимча фойда солиғини тўлаш тартибини бекор қилишни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ Солиқ кодексининг X бўлими билан тартибга солинган.

1. Сув ресурсларини тежаш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида, 2019 йил 1 январдан бошлаб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 20 фоизга индексация қилинмоқда;

2. ПФ-5468-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб, соддалаштирилган тартибда солиқ тўлаш тизими такомиллаштирилиб, обороти (тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий этилмоқда.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Солиқ кодексининг XI бўлими 47-боби билан тартибга солинган.

1. ПФ-5468-сонли Фармони билан 2019 йил 1 январдан солиқ солиш тизимидан қатъий назар, барча юридик шахслар учун мол-мулк солиғи жорий қилинмоқда;

2. Соддалаштирилган солиқ тўловчиларга солиқ юкининг кескин ошишини олдини олиш мақсадида солиқ ставкаси 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирилмоқда.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 23 февралдаги ПҚ-2796-сонли қарорида назарда тутилган қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларидаги бино ва иншоотлар учун оширилган ставкада солиқ ҳисоблаш тизими сақлаб қолинмоқда;

3. 2021 йилдан бошлаб юридик шахсларнинг кўчмас мулклари уларнинг кадастр (тижорат) қийматидан келиб чиққан ҳолда солиққа тортилиши кўзда тутилмоқда.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Солиқ кодексининг XI бўлими 48-боби билан тартибга солинган.

2019 йил 1 январдан бошлаб:

1. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш чиқариш мол-мулкнинг кадастр қиймати кадастр ҳужжатларидан келиб чиқиб белгиланиши, бироқ 42 млн.сўмдан кам бўлмаслиги талаби ҳамда солиқ ставкаси 0,2 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

Бунда, 2019 йил учун ҳисобланган солиқ суммаси 2018 йилга нисбатан 30 фоиздан ошиб кетмаслиги белгилаб қўйилмоқда;

2. Аввалги йиллардан фарқли равишда, солиқ ставкасини солиқ солиш объекти майдонидан эмас, балки кадастр қиймати миқдоридан келиб чиққан ҳолда табақалаш таклиф этилмоқда.

Жумладан, солиқ ставкаси кўчмас мулкнинг кадастр қиймати 100 млн. сўмдан 250 млн. сўмгача бўлса – 0,31 фоиз, 250 млн. сўмдан юқори бўлса – 0,44 фоиз этиб белгиланмоқда;

3. Алоҳида тоифадаги солиқ тўловчилар учун аввалги йилларда солиқ солинмайдиган 60 кв.метр майдондаги мол-мулк қиймати ўрнига солиқ солинадиган базадан мутлақ қийматда, яъни 30 млн.сўм миқдорида чегириш таклиф этилмоқда;

4. Кадастр қиймати мавжуд бўлмаган кўчмас мулк объектларидан солиқ ундириш учун 2018 йилда амал қилаётган “шартли” қийматлар, шунингдек кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган янги қурилган турар жойлар бўйича солиқни “шартли” қийматнинг икки баробари миқдоридан келиб чиққан ҳолда ундириш механизми сақлаб қолинмоқда.

Солиқ солишнинг адолатлилик тамойилига амал қилиш мақсадида, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган янги қурилган нотурар жойлар бўйича ҳам солиқни “шартли” қийматнинг икки баробари миқдоридан келиб чиққан ҳолда ундириш механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, амалдаги қонунчиликда “янги қурилган уй-жойлар” тушунчасига аниқ таъриф берилмаганлиги боис, “янги қурилган турар жой” ва “янги қурилган нотурар жой” тушунчасига аниқ таъриф бериш лозим бўлади.

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи

Ер солиғи Солиқ кодексининг XII бўлими билан тартибга солинган.

1. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш ва маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини ошириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари 20 фоизга индексация қилинмоқда;

2. ПФ-5468-сонли Фармони билан 2019 йил 1 январдан солиқ солиш тизимидан қатъий назар, барча юридик шахслар учун ер солиғи жорий қилинмоқда.

Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари

Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари Солиқ кодексининг XV бўлими 51-боби билан тартибга солинган.

1. ПФ-5468-сонли Фармонига асосан 2019 йил 1 январдан меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юки қуйидагилар орқали камайтирилмоқда:

фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадаллари бекор қилинмоқда;

ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдорини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби бекор қилинмоқда;

бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар, устав жамғармаси (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ миқдори давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсга тегишли юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда, бошқа юридик шахслар учун ставка 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 11 июндаги ПҚ-3782-сонли қарорига асосан, жами штат сонига нисбатан ногиронлиги мавжуд ходимлар сони 50 фоиздан юқори корхоналари учун ягона ижтимоий тўловнинг имтиёзли 4,7 фоизли ставкаси сақлаб қолинмоқда;

3. Меҳнат фаолиятини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахслар ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлаб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали ўрнига ягона ижтимоий тўлов тўлаш тартиби жорий қилинмоқда.

Меҳнат фаолиятини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун ягона ижтимоий тўлов ставкалари, уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 2019 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида акс эттирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу тадбирлар натижасида юридик шахслар ихтиёрида 9 701,0 млрд.сўм миқдорида маблағлар қолиши кутилмоқда.

Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар

Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар Солиқ кодексининг XV бўлими 52-боби билан тартибга солинган.

1. ПФ-5468-сонли Фармонига асосан, 2019 йил 1 январдан бошлаб солиқларни унификация қилиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш, солиқ юқини қисқартириш мақсадида, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бекор қилинмоқда.

Бунинг ҳисобига йирик солиқ тўловчилар ихтиёрида 7 535,0 млрд.сўм миқдоридаги маблағлар қолдирилмоқда;

2. 2019 йил 1 январдан кейин тушадиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлиқ миқдорда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилиши белгиланмоқда.

Ягона солиқ тўлови

Ягона солиқ тўлови Солиқ кодексининг XX бўлими 56-боби билан тартибга солинади.

1. ПФ-5468-сонли Фармонига асосан соддалаштирилган тартибда солиқ солиш тизими такомиллаштирилмоқда ва 2019 йил 1 январдан бошлаб ўтган йил яқунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши жорий қилинмоқда.

Бунда, йиллик оборот (тушум)нинг 1 миллиард сўм ҳажмида белгиланган чегаравий миқдори 3 йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилиши белгиланмоқда;

2. Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби бекор қилинмоқда;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2019 йил 1 январдан улгуржи савдо корхоналари учун ўтказилган операциялардан ягона солиқ тўлови бўйича аванс тўловларини тўлаш тартиби бекор қилинмоқда;

4. Йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчилар учун ягона солиқ тўловининг базавий ставкаси 4 фоиз миқдорида белгиланиб, солиқ тўловчилар учун солиқ ставкалари иловага мувофиқ белгиланмоқда;

5. Йиллик обороти 100 млн.сўмдан юқори ва 1 млрд.сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўлови тўловчилари таркибига киритилмоқда ва 4 фоизли ставкада ягона солиқ тўловини тўлаш тартиби жорий этилмоқда;

6. Ҳисоб палатаси томонидан жойларда ўтказилаётган ўрганиш ва назорат тадбирларида кичик бизнес субъектлари фаолиятида аниқланаётган тафовутлар, ноаниқликлар ва тушумларни яшириш ҳолатларига ягона солиқ тўлови бўйича белгиланган солиқ ставкалари миқдорига, унда қўлланаётган айрим тушунчаларнинг турли талқин қилинишига боғлиқлиги маълум бўлмоқда.

Жумладан, солиқ ставкалари белгиланган жадвалда айрим ставкалар солиқ тўловчига ва айримлари фаолият турига белгиланганлиги боис, амалиётда турли талқинларга олиб келмоқда.

Умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган ставка республиканинг барча ҳудудлари учун бир хил ва юқори бўлганлиги тушумнинг яширилишига таъсир кўрсатмоқда.

Кўчмас мулкларини тўй ва маросимларни ўтказиш учун вақтинчалик фойдаланишга бериш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар учун ҳам алоҳида ставкалар белгиланмаганлиги учун солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб товар-хомашё биржаси аъзоларининг даромадларига қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар учун белгиланган солиққа тортиш шартлари татбиқ этилиши белгиланди.

Амалиётда юзага келаётган ноаниқликларни, шунингдек солиқ юкини янада камайтириш орқали тушумларни яшириш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида, ягона солиқ тўлови бўйича ставкаларни қуйидагича белгилаш таклиф этилади:

Йилик обороти (тушуми) 1 млрд.сўмгача бўлган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун ягона солиқ тўлови ставкалари

Т/р	Фаолият турлари	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1.	Бошқа фаолият турлари, 2-13 бандларда назарда тутилганларидан ташқари	4
2.	Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар (божхона брокерлари)	6

Т/р	Фаолият турлари	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да
3.	Қимматли қоғозлар бозори ва товар-хомашё биржасида брокерлик фаолияти	13
4.	Ломбардлар	25
5.	Воситачилик, топширик шартномаси ва воситачилик хизматлари кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари	25
6.	Мол-мулкларини ижарага бериш (лизинг хизматларидан ташқари)	30
7.	Умумий овқатланиш*:	
	Тошкент шаҳрида	8
	Нукус шаҳри ва вилоятларнинг маъмурий марказларида	6
	бошқа шаҳарларда	5
	туманларнинг маъмурий марказларида	4
	бошқа аҳоли пунктларида	3
бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда	2	
8.	Чакана савдо:	
	Тошкент шаҳрида	4
	Нукус шаҳри ва вилоятларнинг маъмурий марказларида	4
	бошқа шаҳарларда	4
	туманларнинг маъмурий марказларида	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда	1	
9.	Алкоголли маҳсулот, тамаки маҳсулоти, бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ билан чакана савдо	4
10.	Улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдо (11-бандда кўрсатилганларидан ташқари)	5
11.	Дори воситалари билан улгуржи ва чакана савдо:	
	шаҳарлар ва туманларнинг маъмурий марказларида	3
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда	1
12.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш, саралаш, сақлаш ва қадоқлаш бўйича тайёрлов хизматлари	4/20% ялпи даромаддан
13.	Якка тартибдаги тадбиркорлар	4

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, халқ депутатлари тегишли кенгашлари билан келишилган ҳолда, минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ва фаолиятнинг мавсумийлигини ҳисобга олган ҳолда солиқ ставкаларини ошириш ёки камайитириш ҳуқуқига эга.*

Кўчмас мулкларини тўй ва маросимларни ўтказиш учун вақтинчалик фойдаланишга бериш фаолиятига умумий овқатланиш фаолияти учун белгиланган ставкалар қўлланилади.

Ягона ер солиғи

Ягона ер солиғи Солиқ кодексининг XX бўлими 57-боби билан тартибга солинган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реализацияси суммасидан қатъий назар ягона ер солиғини тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш (колбаса маҳсулотлари, пишлок, сут маҳсулотлари ва бошқалар) ва реализацияси суммасидан қатъий назар алоҳида ҳисобда юритилиши ҳамда белгиланган тартибда солиққа тортилиши таклиф этилмоқда.

Солиқ қонунчилигига киритилаётган ўзгартиришларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва реализация қилиш бўйича тушумлар миқдоридан келиб чиқиб умумбелгиланган тартибда ёки соддалаштирилган тартибда солиққа тортилишига аниқлик киритиш лозим бўлади.

Қатъий белгиланган солиқ

Қатъий белгиланган солиқ Солиқ кодексининг XX бўлими 58-боби билан тартибга солинган.

1. Болалар ўйин автоматлари билан боғлиқ фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ тўлаш тартиби бекор қилинмоқда.

Шу каби, автототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш хизматлари учун қатъий белгиланган солиқ тўлаш тартибини ҳам бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Автомобиль транспортида юк ташиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар учун битта транспорт воситасига ҳисоблаганда улар томонидан тўланаётган солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларнинг жами миқдори якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу фаолият тури бўйича тўлаётган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаслиги тартиби бекор қилинмоқда;

3. Йиллик товар айланмаси 100 млн.сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда;

4. Йиллик товар айланмаси 1 млрд.сўмдан юқори бўлган ёки йил давомида товар айланмаси 1 млрд.сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар – юридик шахс ташкил этган ҳолда рўйхатдан ўтиш тартиби жорий қилинмоқда.

Якка тартибдаги тадбиркорларга 2018 йилда амал қилаётган қатъий белгиланган солиқ бўйича солиқ ставкаларини 2019 йил учун белгилашда қуйидагиларни назарда тутиш лозим бўлади:

А) Худудлар бўйича қуйидаги худудларни жойлашиш даражаларини ҳисобга олган ҳолда айрим турдаги фаолият турлари бўйича ставкалар белгилаш:

- Тошкент шаҳри;
- Нукус, шаҳар-вилоят марказлари;
- бошқа шаҳарлар;
- туман маъмурий марказлари;
- бошқа аҳоли пунктлари;
- бориш қийин бўлган ва тоғли туманлар;

Б) Фаолият турига қараб савдо комплекслари ва бозорларда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси учун алоҳида ставкалар белгилаш;

В) Автомобиль транспортида юк ташиш хизмати бўйича қуйидаги ставкаларни белгилаш:

- юк кўтариш қуввати 3 тоннагача бўлган юк автомашиналари учун – 100 000 сўм;
- юк кўтариш қуввати 8 тоннагача бўлган юк автомашиналари учун – 150 000 сўм;
- юк кўтариш қуввати 12 тоннагача бўлган юк автомашиналари учун – 300 000 сўм;
- юк кўтариш қуввати 12 тоннадан ортиқ юк автомобиллари учун – 500 000 сўм.

Ҳисоб палатаси томонидан олиб борилган ўрганишларда юкларни ташишни амалга оширувчи ва якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган шахсларнинг аксариятида юк кўтариш қуввати 8 тоннагача бўлган юк машиналари мавжудлиги маълум бўлмоқда.

Мазкур фаолият учун якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқдан ташқари ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдорида ягона ижтимоий тўлови тўлашлари назарда тутилган.

Шу муносабат билан, юк ташиш ҳажми 8 тоннагача бўлган автомашиналари учун солиқ ставкасини икки мартага камайтириш таклиф этилади.

Юк ташиш қуввати 12 тоннадан юқори бўлган юк автомашиналари учун ставкаларнинг оширилиши оғир транспорт воситалари йўлнинг сифатига таъсир кўрсатиши инobatга олинган.

Г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, халқ депутатлари тегишли кенгашлари билан келишилган ҳолда худуднинг ўзига хос хусусиятларини, амалга ошириладиган

фаолиятига ва мавсумийлигини ҳисобга олиб, солиқ ставкаларини ошириш ёки камайтиришни белгилаш ҳукуқи берилиши лозим.

Мазкур ҳуқуқни бериш ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ва амалга ошириладиган жойни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджет даромадларини ошишига, шунингдек, мавсумий ишларни сифатли амалга оширилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Д) Фаолият турига қараб бошқа аҳоли пунктлари, бориш қийин бўлган ва тоғли туманлар учун 100 000 сўмдан ошмаган ставка белгиланиши лозим (Тошкент шаҳар, Нукус шаҳар ва вилоят марказлари, бошқа шаҳарлар, вилоятларнинг маъмурий марказлари, бошқа аҳоли пунктлари, бориш қийин бўлган ва тоғли туманларга бўлинишни инобатга олган ҳолда).

Бошқа тушумлар

1. 2019 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотиш нархларининг энг кам миқдорлари қуйидагича ўрнатилиши таклиф этилмоқда (1 литр тайёр маҳсулот учун):

А) улгуржи сотиш нархи: ароқ ва бошқа алкоголь маҳсулотлари – 19 400 сўм (20 фоиз), вино – 8 000 сўм (20 фоиз), коньяк – 29 000 сўм (20 фоиз);

Б) чакана сотиш нархи: ароқ ва бошқа алкоголь маҳсулотлари – 23 200 сўм (20 фоиз), вино – 9 600 сўм (20 фоиз), коньяк – 34 600 сўм (20 фоиз).

2. Мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловларининг энг кам ставкаларини қуйидагича белгилаш таклиф этилмоқда:

А) тузар жойлар учун (1 кв.метр учун ҳар ойда сўмда) Тошкент шаҳар – 10 000 сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари учун – 6 500 сўм ва бошқа аҳоли пунктлари учун – 3 000 сўм;

Б) нотузар жойлар учун (1 кв.метр учун ҳар ойда сўмда) Тошкент шаҳар – 20 000 сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари учун – 13 000 сўм ва бошқа аҳоли яшаш пунктлари учун – 6 000 сўм;

В) автомобиль транспорти (1 та автотранспорт воситаси учун ҳар ойда сўмда) енгил автомобил – 480 000 сўм, микроавтобус, автобуслар ва юк машиналари – 940 000 сўм.

3. Тўлиқ эскирган асбоб-ускуналардан фойдаланганлик учун тўлов бекор қилинмоқда.

Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш

1. Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига ортиқча тўланган суммаларни қайтариш ёки ҳисобга олиш жараёни молия органлари иштирокисиз амалга ошириш йўли билан такомиллаштирилмоқда.

Ортиқча тўланган солиқ суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш жараёни молия органлари иштирокисиз амалга оширилиши тартиби киритилаётганлиги муносабати билан, ортиқча тўланган солиқ суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш муддатларини қисқартириш мақсадга мувофиқ бўлади;

2. Ҳисоб-китобларини ўз вақтида тақдим этган ёки хатоларини ўзлари аниқлаган хўжалик юритувчи субъектларга пеня миқдорини 0,033 фоиздан 0,045 фоизгача (ёки қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган) ошириш, агар қўшимча солиқ органи томонидан ҳисобланган бўлса, пеня миқдорини 1,5 баробарга ошириш таклиф этилмоқда.

Солиқ кодексининг 120-моддасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун ҳар бир ўтказиб юборган кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, 0,033 фоиз миқдорида пеня ҳисобланиши, бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмаслиги ҳамда пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Таклиф этилаётган ўзгартиришнинг амалга оширилиши кичик бизнес субъектларига, шунингдек маблағлар ҳаракати алоҳида тартиблар асосида амалга оширилувчи йирик корхоналарга сезиларли даражада таъсир этишини назарда тутиш лозим.

Солиқ солишнинг адолатлилик тамойилидан келиб чиқиб, ортиқча тўланган солиқ суммасига пеня ҳисобланмаслиги тартиби ўрнига ортиқча тўланган солиқ суммасига 0,045 фоиз (ёки қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган) миқдорида солиқ тўловчи фойдасига даромад ҳисоблаш тартибини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади:

- янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ихтиёрий равишда умумбелгиланган солиқ режимига ўтиш истаги бўлмаганда содалаштирилган солиқ режимидаги солиқ тўловчи сифатида қабул қилиш тартибини жорий этиш.

Бундан ташқари, солиқ режими асосида солиқ тўловчи томонидан топширилиши лозим бўлган ҳисобот турларини қатъий белгилаб қўйиш ва рўйхатдан ўтганда давлат хизматлари агентликлари томонидан солиқ тўловчига етказиш тизимини ишлаб чиқиш;

- ПФ-5468-сонли Фармонининг 11-бандига асосан солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларига барҳам беришга, жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўламаганлиги учун жавобгарлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш бўйича таклифларни киритиш;

- бошқа хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган ҳисоб-китоб терминаллардан фойдаланиш учун жавобгарлик чораларини (жарима) ўрнатиш, ушбу тўлов терминалда амалга оширилган барча тўловлар бўйича солиқ ҳисоблаш тартибини жорий қилиш;

- солиқларнинг қисқартирилиши ва солиқ маъмуриятчилигининг соддалаштирилиши муносабати билан солиқ ҳисоботлари шакллари тубдан қайта кўриб чиқиш.


3.2. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар даромадлари

2018 йил якунларига кўра, Давлат бюджетининг умумий даромадлари 74,5 трлн. сўмни, шу жумладан давлат солиқ идоралари бўйича 53,0 трлн.сўмни ва давлат божхона идоралари бўйича 11,5 трлн.сўмни ташкил қилиши кутилмоқда.

Тасдиқланган параметрлар 12,2 трлн.сўмга (19,6%), Давлат солиқ кўмитаси томонидан 10,9 трлн.сўмга (25,8%), Давлат божхона кўмитаси томонидан 1,8 трлн.сўмга (18,4%) ортиғи билан бажарилишига эришилади.

Даромад турлари бўйича тушумлар тасдиқланган параметрларга нисбатан куйидаги миқдорларда бажарилишига эришилади.

трлн.сўм



Даромад турлари бўйича белгиланган параметрларнинг ортиғи билан бажарилишига қуйидаги омиллар таъсир қилмоқда:

1. Валюта бозорини эркинлаштириш натижасида солиқ тўловчиларда кутилганидан ҳам кўра кўпроқ солиқ солиш базасининг кенгайиши.

Масалан, мазкур тадбир натижасида юридик шахсларнинг фойдаси сезиларли даражада ўсиб, фойда солиғи бўйича белгиланган параметрлар 1,2 трлн.сўмга (46%) ортиғи билан бажарилишига эришилади.

Шунингдек, товар айланмаси билан боғлиқ бўлган ягона солиқ тўлови тушумлари ҳам белгиланган параметрлардан 860 млрд.сўмга (21,6%) ошиши кутилмоқда.


2. Солиқ сиёсати йўналишлари доирасида қабул қилинган тадбирларнинг ижобий самараси ҳисобига.

Хусусан, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича белгиланган параметрлар (6,2 трлн.сўм) 1,7 трлн.сўм ортиғи билан бажарилиши кутилмоқда.

Шу каби, тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларининг ўртача 30 фоизга камайтирилганига қарамасдан, ушбу даромад туридан кутилаётган даромадлар 2017 йил даражасида (1 077 млрд.сўм) сақланиб қолмоқда.

Жорий йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи учинчи ва тўртинчи ставкалари 0,5 фоиз пунктга камайтирилди, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларига ажратмалар миқдори 1% дан 2% гача оширилганига қарамай, аҳоли даромадларини оширишга қаратилган тадбирлар бюджет даромадларида ўз аксини топмоқда, хусусан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумлари бўйича кутилаётган тушумлар 6,3 трлн.сўмни ташкил қилиб, белгиланган прогноз кўрсаткичлари 1,1 трлн.сўмга ортиғи билан бажарилиши таъминланади.

2018 йилдан бошлаб жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни инвентаризация қийматидан 1,7% солиқ ундириш ўрнига кадастр қийматидан 0,2% ставкада ҳисоблаш тартиби жорий қилинди. Жисмоний шахслар мол-мулкини солиққа тортиш тизими ўзгарганлиги ва маъмурчиликнинг яхшиланиши ҳисобига мазкур даромад тури бўйича даромадлар 2017 йил кўрсаткичига нисбатан 21,2 фоизга ўсмоқда.




3. Айрим товарлар нархларининг эркинлаштирилиши, қишлоқ хўжалигида тўловлар интизомининг яхшиланиши, маҳаллий ҳокимият идоралари молиявий ваколатларининг оширилиши натижасида солиқ маъмурчилигининг яхшиланиши ҳисобига.

Жумладан, жорий солиқ қарзи йил бошига нисбатан 3,0 трлн.сўмга камайиб, 2018 йил 1 октябрь ҳолатига 3,8 трлн.сўмни ташкил қилди.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича белгиланган параметрлар (22,0 трлн.сўм) 4,4 трлн.сўмга ортиғи билан бажарилиши кутилмоқда. Шундан, тушумлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)лар бўйича 3,6 трлн.сўмга ва импорт маҳсулотлари бўйича 1,9 трлн.сўмга ортиғи билан бажарилишига эришилади.

2018 йил давомида Ҳисоб Палатаси, Бош прокуратура, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда бюджетга қўшимча даромад резервларини аниқлаш бўйича ҳудудларда ўрганишлар ва амалий ёрдамлар ўтказилиши натижасида давлат бюджетига 12,2 трлн.сўм, жумладан маҳаллий бюджетга 5,5 трлн.сўм қўшимча даромадлар сафарбар этилиши таъминланади.


Охири уч йилда маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилган даромадлар



Давлат бюджетининг 2019 йил учун тузилган даромадлар режаси Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 83-моддасига асосан, республиканинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари прогнозига мос ҳолда тузилган.

Хусусан, давлат бюджети даромадлари лойиҳасини ишлаб чиқишда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 5,4 фоиз, дефлятори 23 фоиз, инфляция кўрсаткичи 15,5 фоиз, валюта курси 1 АҚШ долларига нисбатан 8300 сўм ва жаҳон бозоридаги айрим товарларнинг нархлари прогнозлари ҳисобга олинган.

Бундан ташқари, Давлат бюджети даромадлари лойиҳасини тузишда солиқ сиёсати концепцияси йўналишлари доирасидаги ўзгаришлар, жумладан солиқ ставкаларининг ўзгариши, йиллик обороти 1 млрд.сўмдан юқори бўлган субъектларнинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши кўзда тутилган. Ушбу тадбирлар натижасида солиқ тўловчилар сонидagi ўзгаришлар қуйидагича бўлади.




Давлат бюджети даромадлари 2019 йилда 102,6 трлн. сўм (ЯИМга нисбатан 24,2%) миқдорида прогноз қилинмоқда, 2020 йилга мўлжал – 126,6 трлн.сўмни (24,2%), 2021 йилга мўлжал – 154,8 трлн.сўмни (24,3%) ташкил қилинмоқда.

2019 йилги Давлат бюджети даромадлари лойиҳаси манбалар кесимида қуйидагича шаклланиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, бевосита солиқлар бўйича даромадлар миқдори 20,7 трлн. сўмни, жумладан фойда солиғи – 7,5 трлн.сўм (7,3%), ягона солиқ тўлови – 1,2 трлн.сўмни (1,2%), жисмоний шахслар даромад солиғи эса 11,4 трлн.сўмни (11,1%) ташкил қилади.

Солиқ ставкаларидаги ўзгаришлар, валюта курсининг ўзгариши ва бошқа омиллар таъсирида давлат бюджети даромадларининг шаклланиши таркиблари қуйидагича ўзгармоқда.

(жамига нисбатан фоизда)



Давлат бюджетининг даромадлар турлари кесимида 2019 йилда кутилаётган кўрсаткичларидан қатъий белгиланган солиқ (54,4 фоиз), ягона солиқ тўлови (24,4 фоиз), мол-мулк солиғи (71,7 фоиз) ва қўшимча фойда солиғи (37,4) бўйича тушумлар жорий йилда кутилаётган тушумларга нисбатан камайиб кетмоқда.

млрд.сўм

Т/р	Даромадлар манбаси номи	2018 йил - кутилмоқда		2019 йил - прогноз		Ўзгариш (фоизда)
		сумма	ЯИМ нисбатан (фоизда)	Сумма	ЯИМ нисбатан (фоизда)	
	Жами	74 477,1	22,8	102 627,6	24,6	137,8
	шундан:					
1.	Бевосита солиқлар	15 922,9	4,9	20 174,6	4,8	126,7
1.1.	Юридик шахсларнинг фойда солиғи	3 674,6	1,1	7 504,7	1,8	204,2
1.2.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	6 282,6	1,9	10 891,9	2,6	173,4
1.3	Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ	1 077,6	0,3	586,0	0,1	54,4
1.4.	Ягона солиқ тўловидан (2019 йил 1 январдан оборотдан (тушумдан) солиқ деб ўзгартирилади) ажратма	4 888,0	1,5	1 192,1	0,3	24,4
2.	Билвосита солиқлар	38 756,6	11,9	56 716,5	13,6	146,3

Т/р	Даромадлар манбаси номи	2018 йил - кутилмоқда		2019 йил - прогноз		Ўзгариш (фоизда)
		сумма	ЯИМ нисбатан (фоизда)	Сумма	ЯИМ нисбатан (фоизда)	
2.1.	Қўшилган қиймат солиғи	26 441,3	8,1	40 716,4	9,9	154,0
2.2.	Акциз солиғи	8 625,0	2,6	13 081,3	3,1	151,7
2.3.	Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ	1 590,2	0,5	х	х	Х
2.4.	Абонент рақамлардан фойдаланганлик учун тўлов	335,8	0,1	х	х	Х
2.5.	Божхона божи	1 764,3	0,5	2 918,8	0,7	165,4
3.	Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	12 070,9	3,7	14 633,5	3,5	121,2
3.1.	Мол-мулк солиғи	2 581,7	0,8	1 851,1	0,4	71,7
3.2.	Ер солиғи	1 414,5	0,4	1 834,3	0,4	129,7
3.3.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	7 934,0	2,4	10 679,7	2,6	134,6
3.4.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	140,4	0,0	268,5	0,1	191,2
4.	Қўшимча фойда солиғи	1 736,1	0,5	650,0	0,2	37,4
5.	Бошқа даромадлар ва солиқсиз тушумлар	5 990,9	1,5	10 452,9	2,5	174,5

Изоҳ: "х" - 2019 йилги солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига асосан бекор қилинган.


Бевосита солиқлар бўйича даромадлар прогнози:

- солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш учун янги мезон киритилаётгани;
- фойда солиғи ставкалари ўзгартирилаётганлиги;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг прогрессив ставкалари ўрнига ягона ставка киритилаётганлиги;
- тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солиқни ундириш тартибига ўзгартиришлар киритилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланмоқда.

Масалан, илгари ягона солиқ тўлови тўлаган кичик бизнес субъектлари 2019 йилда қарийб 2,0 трлн.сўм миқдорида фойда солиғи тўлаши кутилмоқда.

Билвосита солиқлар бўйича 2019 йилги прогноз 55,5 трлн.сўмни (жами даромадларнинг 54,1%), қўшилган қиймат солиғи – 40,8 трлн.сўмни (39,7%), акциз солиғи – 12,7 трлн.сўмни (12,4%), божхона божлари – 2,1 трлн.сўмни (2,0%) ташкил қилиши назарда тутилмоқда.

(жами даромадларга нисбатан фоизда)



Бевосита солиқларнинг ЯИМга нисбатан улуши 2019 йилда 4,9 фоиздан 4,8 фоизгача пасайиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли Фармонида асосан йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган қорхоналар (ягона солиқ тўлови ўрнига) ва яқка тартибдаги тадбиркорлар (қатъий белгиланган солиқ ўрнига) умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилиши билан изоҳланади.

Билвосита солиқларнинг ЯИМга нисбатан улуши 2019 йилда 11,9 фоиздан 13,6 фоизгача кўтарилиши, қўшилган қиймат солиғини тўлиқ ҳисобга олиш тизимини жорий этиш, солиқ солиш базасини аниқлаштириш ва имтиёзлар сонини камайтириш ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ҳар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига ўрнатилган акциз ва йиғимларни бирлаштириш ҳисобига қупайиш кутилмоқда.

Ресурс тўловларнинг ЯИМга нисбатан улуши 2019 йилда 3,7 фоиздан 3,5 фоизга пасайиши, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирилиши ҳисобига кутилмоқда.

Билвосита солиқлар бўйича тушумлар 55,5 трлн.сўм (жами даромадларнинг 54,1%), шундан қўшилган қиймат солиғи – 40,8 трлн.сўм (39,7%), акциз солиғи – 12,7 трлн.сўмни (12,4%), божхона божлари – 2,1 трлн.сўм (2,0%) миқдорида режалаштирилмоқда.

Ушбу турдаги даромадларнинг 2018 йил кутилаётган даромадларга нисбатан ўсиши 43,2 фоизни, жумладан қўшилган қиймат солиғи бўйича 54,3 фоизни ташкил қилмоқда.

Тушумларнинг юқори ўсиш билан режалаштирилишига нефть, газ ва электр энергия ишлаб чиқарувчилар учун нархларнинг сезиларли кўтарилиши, белгиланган миқдордан кўп айланмага эга кичик бизнес субъектлари учун қўшилган қиймат солиғининг киритилиши таъсир қилган.

Масалан, “Ўзнефтьгазқазибчиқариш” АЖ корхоналари томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси жорий йилда кутилаётган тушумларга нисбатан қарийб 2 баробарга ўсади. Кичик бизнес субъектларидан қўшимча тушумлар эса 6,0 трлн.сўмдан ошади.

Бундан ташқари, 2019 йилдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғи бўйича “0” ставкани қўллаш натижасида келиб чиққан ортиқча тўловни қайтариш, ҳақиқатда келиб тушган суммани камайтириш орқали акс эттирилади ва 2019 йилда бу кўрсаткич қарийб 600 млрд.сўм миқдорида прогноз қилинмоқда.

Солиқ сиёсати концепциясига мувофиқ, 2019 йилдан бошлаб, мобиль алоқа хизмати кўрсатувчи операторларидан абонент тўловининг бюджетга ўтказиладиган қисми, бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқлар акциз солиғига айлантирилиши ва шу солиқ таркибида акс эттирилиши назарда тутилмоқда.

Мазкур даромад турларини прогнозлаштиришда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкаларини индексация қилиниши, полиэтилен гранулалари учун акциз солиғи киритилиши инобатга олинган.

2019 йил учун давлат бюджети даромадларининг тақдим қилинган лойиҳасига кўра, мол-мулк солиғи бўйича тушум 1,9 трлн.сўм миқдорида (умумий даромадлардаги улуши 1,8%), ер солиғи бўйича – 1,8 трлн.сўм (1,8%), ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ – 10,7 трлн.сўм (10,4%), сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – 0,3 трлн.сўм (0,3%) миқдорида даромадларнинг тушуми прогноз қилинмоқда.


Ушбу турдаги солиқларни прогноз қилишда, барча кичик бизнес субъектларига ер ва мулк солиғининг киритилиши, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари такомиллаштирилгани, норуда материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг катъий миқдорларда белгиланаётганлиги инобатга олинган.

Давлат мақсадли жамғармалари бўйича 2018 йилда 28,2 трлн.сўм даромадлар кутилаётган бўлиб, белгиланган параметрлар 3,1 трлн.сўмга ортиғи билан бажарилишига эришилади.

Жорий йил учун белгиланган прогноз параметрлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича 2,6 трлн.сўмга, Республика Йўл жамғармаси бўйича 102,0 млрд.сўмга, Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техник базасини

ривожлантириш жамғармаси бўйича 396,5 млрд.сўмга ортиғи билан бажарилиши кутилмоқда.

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг сезиларли даражада ўсиши, товар айланмасининг кенгайиши жамғармалар даромадлари бўйича белгиланган параметрларни ортиғи билан бажарилишини таъминламоқда.



Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари прогнози 2019 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида белгиланган чора-тадбирларни ўз ичига олган ҳолда шакллантирилган, бўлиб, 19,2 трлн.сўм ёки ЯИМга нисбатан 4,5 фоизни (жорий йилда 8,6 фоиз) ташкил қилмоқда.


млрд.сўм

Т/р	Давлат мақсадли жамғармалар номи	2018 йил - кутилмоқда		2019 йил - прогноз		ўзгариш (фоизда)
		сумма	ЯИМ нисбатан (фоизда)	Сумма	ЯИМ нисбатан (фоизда)	
	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари	28 233,9	8,6	19 195,0	4,5	67,9
1.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	22 844,7	7,0	18 956,0	4,5	82,9
2.	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	58,2	0,1	88,5	0,1	152,0
3.	Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси	240,0	0,1	150,0	0,0	62,5

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари 18,9 трлн.сўм миқдорида ёки жорий йилда кутилаётган (22,8 трлн.сўм) тушумларга нисбатан 82,9 фоиз даражада режалаштирилмоқда. Жамғарманинг даромадлари миқдори ЯИМга нисбатан 4,5 фоизни ташкил этиб, жорий йилга (7,0 фоиз) нисбатан пасайиши кутилмоқда.

Жамғарма даромадларининг 17,6 трлн.сўми (93,1 фоиз) ягона ижтимоий тўловдан, 1,2 трлн.сўми (6,3 фоиз) ягона солиқ тўлови ажратмасидан ва 109,5 млрд.сўми (0,6 фоиз) бошқа солиқсиз тушумлар ҳисобига шаклланиши режалаштирилган.

Умуман олганда, тақдим қилинган лойиҳага кўра консолидациялашган бюджет даромадлари 124,8 трлн.сўмни ташкил қилиши режалаштирилган.



IV. Бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари

4.1. 2019 йилги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари

1) 2019 йилги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари асосан ижтимоий харажатларни ошириш, бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи миқдорларини инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорларда ошириш тақлиф этилмоқда. Бунинг учун давлат бюджетидан 1 659,0 млрд. сўм маблағ кўзда тутилган.

Бундан ташқари аҳоли фаровонлигини ошириш йўналишида, бюджет ташкилотларида ишловчи алоҳида соҳалар ходимларини иш ҳақи миқдорларини табақалаштирилган тарзда ошириш кўзда тутилмоқда:

мактабгача таълим, умумтаълим муассасалари педагоглари, раҳбар ходимлари, психологлари ва кутубхоначилари;

соғлиқни сақлаш муассасалари тиббиёт ходимлари;
 олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари;
 фан соҳасида Давлат илмий-техника дастурларини амалга оширишда
 иштирок этувчи илмий ходимлар.

2) Мактабгача таълим тизимида нодавлат секторини жалб қилиш ҳамда соҳада давлат-хусусий шерикчилиги учун қулай шароитларни яратиш мақсадида давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида ташкил қилинган нодавлат муассасаларга Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш учун 2019 йилда 239,7 млрд.сўм маблағ режалаштирилмоқда.

3) Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Фарғона вилоятларининг алоҳида туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар сақлангани учун амалдаги ота-оналар тўлови миқдори икки баробарга пасайтириш ҳисобига 2019 йилдан бошлаб ушбу харажатларни қоплаш учун давлат бюджетидан маблағлар ажратиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2019 йилда 23,6 млрд.сўм маблағ режалаштирилган.

4) 2019 йилдан бошлаб иш ҳақи ва коммунал хизмат тарифлари ошиши муносабати билан юзага келадиган қўшимча харажатлар учун бюджет параметрларида алоҳида қаторда маблағлар шакллантирилиши таклиф этилмоқда. Ушбу маблағларни (2019 йилда 3 583,9 млрд.сўм) иш ҳақи ва коммунал хизмат тарифлари ошиши натижасида бюджет ташкилотларнинг қўшимча харажатлари ҳамда давлат бошқарув органларининг таркибий ўзгариши билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга йўналтириш кўзда тутилган.

4.2. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш

Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини ошириш бўйича кўрилаётган чоратadbирларга қарамасдан, маҳаллий бюджетнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг манфаатдорлиги етарли даражада эмас.

Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш ва қуйи бюджетларнинг юқори бюджетга қарамлигини пасайтириш мақсадида қуйидагилар кўзда тутилмоқда:

1) вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги ҳудудий молия бошқармалари базасида бюджет департаментларини ташкил этиш йўли билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига туманлар (шаҳарлар) бюджетларини мустақил равишда тасдиқлаш ва ижро этиш ваколатини бериш, бунда вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмаларининг тегишли вазирлик ва идоралар бюджетлари билан чамбарчас боғлиқлигини назарда тутиш (горизонтал ва вертикал режалаштириш);

2) юқори бюджетдан қуйи бюджетга босқичма-босқич маҳаллий аҳамиятга молик харажатларни молиялаштириш ваколатини бериш;

3) 2020 йилнинг охиригача мақсадли трансфертлар ажратилиши қоидалари ва методикасини такомиллаштириш;

4) 2021 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетга қолдириладиган солиқлар бўйича ажратмалар нормативларини бирхиллаштириш ва ўрнатилган нормативларни даромадларнинг база йилидаги ижроси натижасидан қатъий назар 3 йилга бириктириш (пасайтириш ҳуқуқисиз);

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли қарорига асосан 2019 йилдан бошлаб маҳаллий бюджет кўшимча манбаларининг камида ўн фоизини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларнинг халқ депутатлари Кенгаши билан келишилган ҳолда, шунингдек “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш.

Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрида қолдирилган кўшимча даромад манбаларининг сарфланиши юзасидан Ҳисоб палатаси томонидан 2018 йилда ўтказилган ўрганиш натижаларига кўра кўшимча даромадлар ҳисобидан самарасиз сарфланган харажатлар, харид қилинган товар-моддий бойликлар камомати, қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳисоботларига кўшиб ёзишлар каби жами 50,0 млрд.сўмлик хато ва камчиликлар аниқланган.

4.3. Давлат бюджети харажатлари таркиби

2019 йил учун тақдим этилган Бюджетномада Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети харажатлари 129 625,7 млрд.сўмни ёки ЯИМга нисбатан 29,8 фоизни (2018 йилда 32,2 фоиз) ташкил этади.

Давлат бюджети харажатлари 107 118,4 млрд.сўм, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари 27 507,3 млрд.сўмни ташкил этади.

Бунда, Давлат бюджетидан мақсадли жамғармаларга ўтказиб бериладиган трансфертлар (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси – 4 700 млрд. сўм, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси – 300 млрд. сўм) консолидациялашган бюджет таркибида бир марта ҳисобланган.

Давлат бюджети харажатлари таркибида жорий харажатлар 91 237,6 млрд.сўм (85%)ни ва капитал харажатлар 15 881,0 млрд.сўм (15%)ни ташкил этади.

Бюджет кодексининг 83-моддасига асосан бюджетномани ишлаб чиқиш - бюджет сўровларини ҳамда асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозларини тайёрлаш ва тақдим этиш, бюджет сўровларини кўриб чиқиш ва жамлаш асосида шакллантирилади.

2019 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг харажатларини шакллантириш ҳисоб-китоблари таҳлил қилинганда, бюджет лойиҳаси қуйидаги усулда:

2018 йил ва ундан олдинги йилларда тасдиқланган ҳамда 2018 йилда якунига етказилган дастурларни харажатлар таркибидан чиқариш;

2018 йил давомида харажатлар структурасида бўлган ўзгаришлар (соҳалар ўзгариши, янги ташкил этилган ташкилотлар)ни ҳисобга олиш;

иш ҳақи, коммунал тўловлар, ёқилғи ва бошқа маҳсулотларни нархларининг ошиш индексларини 2018 йил учун тасдиқланган харажатларга таъсир қилдириш орқали шакллантирилганлиги маълум бўлди.

Давлат бюджетининг 2019 йил учун харажатлари лойиҳасида бюджет маблағлари тақсимловчилари бюджет сўровлари асосида қўшимча тадбирлар қисман ҳисобга олинган.

2019 йил учун Давлат бюджети харажатларини жорий йилда кутилаётган Давлат бюджети харажатларига нисбатан 36,4 фоизга ошган ҳолда режалаштирилган.

Давлат бюджети харажатлари таркибидан энг юқори улуш “Ижтимоий соҳа” харажатларига тўғри келмоқда (54 фоиз).



млрд.сўм

Харажатлар номи	2018 йил қутилаётган			2019 йил-прогноз			Ўсиш/ камайиш (фоизда)
	сумма	улуши фоизда	ЯИМга нисбатан фоизда	сумма	улуши фоизда	ЯИМга нисбатан фоизда	
ЖАМИ	78 503,8	100,0	24,0	107 118,4	100,0	25,3	36,4
<i>шундан</i>							
1. Ижтимоий соҳа	43 036,1	54,8	13,2	57 822,3	54,0	13,6	34,4
<i>шу жумладан</i>							
1.1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш	39 237,9	50,0	12,0	50 144,3	46,8	11,8	27,8
<i>шундан</i>							
Маориф	21 198,3	27,0	6,5	28 394,3	26,5	6,7	33,9
шундан, таълим муассасалари моддий-техника базасини ривожлантиришга	1 817,5	2,3	0,6	3 432,5	3,2	0,8	88,9
1.1.2 Соғлиқни сақлаш	9 645,6	12,3	2,9	12 088,2	11,3	2,9	25,3
шундан, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантиришга	1 014,7	1,3	0,3	972,3	0,9	0,2	-4,2
1.1.3 Маданият ва спорт	1 216,4	1,5	0,4	1 690,1	1,6	0,4	38,9
1.1.4 Фан	466,9	0,6	0,1	801,0	0,7	0,2	71,6
шундан, илмий муассасалар моддий-техника базасини ривожлантиришга	26,5	0,03	0,01	32,0	0,03	0,01	20,8
1.1.5 Ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ҳамда компенсация тўлови	3 323,7	4,2	1,0	5 267,2	4,9	1,2	58,5
1.1.6 Аҳоли бандлиги даражасини ошириш	864,0	1,1	0,26	1 014,0	0,9	0,2	17,4
1.1.7 “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари	1 527,6	1,9	0,5	500,0	0,5	0,1	-67,3
1.2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига субсидия				4 700,0	4,4	1,1	
1.3. Уй-жой қурилиши Дастурларини молиялаштиришда иштирок этаётган банкларга ажратиладиган кредит линиялари	3 798,2	4,8	1,2	2 978,1	2,8	0,7	-21,6
2. Иқтисодиёт	7 869,8	10,0	2,4	14 014,6	13,1	3,3	78,1
<i>шундан</i>							
2.1 Сув хўжалигини сақлаш харажатлари	2 992,0	3,8	0,9	3 897,6	3,6	0,9	30,3
2.2 Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	528,3	0,7	0,2	682,0	0,6	0,2	29,1
2.3 Кам ҳосилли ерларда пахта хом ашёси экадиган фермер хўжалиklarини давлат томонидан қўллаб қувватлаш	150,0	0,2	0,0	150,0	0,1	0,0	0,0

Харажатлар номи	2018 йил кутилаётган			2019 йил-прогноз			Ўсиш/ камайиш (фоизда)
	сумма	улуши фоизда	ЯИМга нисбатан фоизда	сумма	улуши фоизда	ЯИМга нисбатан фоизда	
2.4 Геология-қидирув ишлари	549,0	0,7	0,2	594,3	0,6	0,1	8,3
2.5 Шаҳар, туман ва посёлкаларни ободонлаштириш	1 397,7	1,8	0,4	1 383,1	1,3	0,3	-1,0
2.6 Табиатни қўриқлаш ишлари	208,2	0,3	0,06	215,0	0,2	0,1	3,3
2.7 Уй-жой ва коммунал соҳа ишлари	181,4	0,2	0,06	487,5	0,5	0,1	2,7 баробар
2.8 Ичимлик суви таъминотини ривожлантириш	1 042,2	1,3	0,3	1 100,5	1,0	0,3	5,6
2.9 Автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ҳамда тугатиладиган Республика йўл жамғармасининг бошқа харажатлари				3 711,8	3,5	0,9	
3. Марказлашган инвестициялар	3 947,6	5,0	1,2	3 960,2	3,7	0,9	0,3
4. Давлат ҳокимияти марказий органлари	89,2	0,1	0,0	97,5	0,1	0,0	9,4
5. Давлат бошқаруви органлари	2 583,7	3,3	0,8	2 959,0	2,8	0,7	14,5
6. Прокуратура ва адлия органлари	308,6	0,4	0,1	700,8	0,7	0,2	2,3 баробар
7. Суд органлари	232,5	0,3	0,1	320,6	0,3	0,1	37,9
8. Фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар	655,8	0,8	0,2	747,9	0,7	0,2	14,0
9. Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси, маҳаллий ҳокимият органлари бюджетларининг захира жамғармалари харажатлари	720,2	0,9	0,2	908,6	0,8	0,2	26,2
10. Иш ҳақи ва коммунал хизмат тарифлари ошиши билан боғлиқ харажатлар				3 583,9	3,3	0,8	
11. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва қайтариш харажатлари	1 070,5	1,4	0,3	2 619,9	2,4	0,6	2,5 баробар
12. Бошқа харажатлар	17 989,9	22,9	5,5	19 383,1	18,1	4,6	7,7

2019 йилда режалаштирилган “Ижтимоий соҳа” харажатлари жорий йилдаги ушбу мақсадлар учун кутилаётган харажатларга нисбатан 34,4 фоизга ошган. Хусусан, давлат томонидан олиб борилаётган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш доирасида ижтимоий

нафақалар, моддий ёрдам ҳамда компенсация тўлови учун жорий йилда ажратилган маблағларга нисбатан 58,5 фоизга кўп маблағ режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3437-сонли қарорига мувофиқ, ривожланиш давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини жамлаш, тақсимлаш ва молиялаштириш фақат Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси орқали амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли Фармониға мувофиқ 2019 йил 1 январдан давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг обороти (тушуми) дан ундириладиган мажбурий ажратмалар бекор қилинди.

Ушбу ҳолат Давлат бюджетидан мақсадли жамғармаларға ажратиладиган маблағларни икки босқичда (мақсадли жамғармалар ва Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси) жамланишиға, яъни молиялаштириш бўйича ортиқча бўғин вужудға келишиға сабаб бўлиши мумкин эди.

Шунға асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ривожланиш давлат дастурлари билан боғлиқ бўлмаган бошқа харажатларни молиялаштириш функцияларини Молия вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идораларға юклаган ҳолда ушбу жамғармаларни тугатиш таклиф этилмоқда.

Бундан ташқари, республикамизда нарх шакллантирилишини тартибға солишнинг бозор механизмларига тўлиқ ўтилаётганлиги ва иқтисодиётнинг соҳаларида рақобатбардош муҳит шаклланаётганлиги муносабати билан иқтисодиётни эркинлаштиришнинг дастлабки босқичида товар ва хизматлар нархи кескин ўсишини олдини олиш мақсадида ташкил этилган Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришға кўмаклашиш жамғармасини ҳам тугатиш таклиф этилмоқда.

Тугатиладиган жамғармаларнинг 2018 йил якунидаги қолдиқ маблағларини республика бюджети даромадларига йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги “Тоза ичимлик сув” жамғармаси ҳисобидан ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш (3 734,6 млрд.сўм) 2019 йилда Давлат бюджетининг “Иқтисодиёт” соҳаси харажатлари таркибида кўзда тутилмоқда.

Натижада “Иқтисодиёт” соҳаси бўйича харажатлар 2018 йилга нисбатан 78,1 фоизга кўпайган.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ривожланиш давлат дастурига киритиладиган объектлар учун маблағлар (4 363,2 млрд.сўм) “Ижтимоий соҳа” харажатлари таркибига киритилган.

2019 йил учун Давлат бюджети харажатлари таркиби 2018 йил учун тасдиқланган 58 683,2 млрд.сўм базавий харажатларга (жами харажатларни 54,8 фоизи), Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг қарорлари ва топшириқларига асосан 36 482,0 млрд.сўм (жами харажатлар параметрининг 34,1 фоизи) ҳамда иш ҳақи, коммунал тўловлар, ёқилғи ва бошқа маҳсулотларни нархларини ошиши ҳисобига талаб этиладиган 11 953,1 млрд.сўм (жами харажатлар параметрининг 11,2 фоизи) қўшимча харажатларни қўшилишидан ташкил топган.

млрд.сўм			
Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма	Улуши (фоизда)
1	2018 йил базавий харажатлари	58 683,2	54,8
2	Индексациялаш харажатлари	11 953,1	11,2
3	Қўшимча харажатлар	36 482,0	34,1
	<i>шундан,</i>		
3.1.	иш ҳақини табақалаштирилган тарзда ошириш	5 135,3	4,8
3.2.	қўшимча дастур ва тадбирлар	31 346,8	29,3
	ЖАМИ	107 118,4	100,0

Қўшимча харажатларнинг энг юқори улуши (54,6 фоиз) “Ижтимоий соҳа” ҳиссасига тўғри келаётган бўлиб, 19 918,8 млрд.сўмни ташкил этмоқда.

Шундан, 5 135,3 млрд.сўмни ижтимоий соҳадаги маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва фан тизимида фаолият кўрсатадиган ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини табақалаштирилган тарзда оширишга йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

Соҳалар йўналиши	2019 йилда жами қўшимча харажатлар		шундан			
			иш ҳақини табақалаштирилган тарзда ошириш		қўшимча дастур ва тадбирлар	
	сумма	соҳалар улуши, %	сумма	соҳалар улуши, %	сумма	соҳалар улуши, %
ЖАМИ	36 482,0	100,0	5 135,3	14,1	31 346,8	85,9
<i>шундан</i>						
1. Ижтимоий соҳа	19 918,8	54,6	5 135,3	14,1	14 783,5	40,5
<i>шу жумладан</i>						
1.1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш	17 310,7	47,4	5 135,3	14,1	12 175,4	33,4
<i>шундан</i>						
1.1.1 Маориф	7 486,2	20,5	3 496,1	9,6	3 990,1	10,9
1.1.2 Соғлиқни сақлаш	2 061,5	5,7			2 061,5	5,7
1.1.3 Маданият ва спорт	1 776,5	4,9	1 377,7	3,8	398,8	1,1
1.1.4 Фан	32,1	0,1			32,1	0,1
1.1.5 Ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ҳамда компенсация тўлови	382,5	1,0	89,3	0,2	293,2	0,8
1.1.6 Аҳоли бандлиги даражасини ошириш	383,3	1,1	172,2	0,5	211,1	0,6
1.1.7 “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари	1,0	0,003			1,0	0,003
1.1.8 “Ёшлар келажагимиз” дастури	1 538,1	4,2			1 538,1	4,2
1.2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига субсидия	4 700,0	12,9			4 700,0	12,9
1.3. Уй-жой қурилиши Дастурларини молиялаштиришда иштирок этаётган банкларга ажратиладиган кредит линиялари	2 608,1	7,1			2 608,1	7,1
2. Иқтисодиёт	6 160,9	16,9	0,0		6 160,9	16,9
3. Марказлашган инвестициялар	394,5	1,1			394,5	1,1
4. Давлат ҳокимияти марказий органлари	10,4	0,03			10,4	0,03
5. Давлат бошқаруви органлари	408,7	1,1			408,7	1,1
6. Прокуратура ва адлия органлари	352,8	1,0			352,8	1,0
7. Суд органлари	66,1	0,2			66,1	0,2
8. Фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари	19,4	0,05			19,4	0,05
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармаси, маҳаллий ҳокимият органлари бюджетларининг захира жамғармалари харажатлари	300,0	0,8			300,0	0,8
10. Иш ҳақи ва коммунал хизмат тарифлари ошиши билан боғлиқ харажатлар	1 913,1	5,2			1 913,1	5,2

Соҳалар йўналиши	2019 йилда жами қўшимча харажатлар		шундан			
			иш ҳақини табақалаштирилган тарзда ошириш		қўшимча дастур ва тадбирлар	
	сумма	соҳалар улуши, %	сумма	соҳалар улуши, %	сумма	соҳалар улуши, %
11. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва уни қайтариш харажатлари	1 507,0	4,1	0,0		1 507,0	4,1
12. Бошқа харажатлар	5 430,3	14,9			5 430,3	14,9

Қўшимча харажатларнинг соҳалар бўйича тақсимоти



Қўшимча дастур ва тадбирларга йўналтириладиган маблағлар жами қўшимча харажатларнинг 85,9 фоизини ташкил этиб, “Ижтимоий соҳа”га 14 783,5 млрд.сўм (40,5 фоиз) “Иқтисодиёт” соҳаси тармоқларига 6 160,9 млрд.сўм (16,9 фоиз) режалаштирилган.

Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва Фармонлари ҳамда ҳудудларга таширфларида белгиланган вазифаларнинг акс эттирилганлиги

2019 йилги Давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари асосида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастур ва чора-тадбирларни амалга ошириш учун 25 027,2 млрд.сўм (2018 йилда 22 084,3 млрд.сўм) маблағлар назарда тутилган.

Хусусан:

1) аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун жами 1 167,4 млрд.сўм, жумладан:

- кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ва 14 ёшгача болали оилаларга бериладиган нафақа олувчилар сонини оширишга 643,5 млрд.сўм;

- ун ва нон маҳсулотлари нархини оширилиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига компенсация тўловларини амалга ошириш учун 523,9 млрд.сўм;

2) 2017-2021 йилларда мактабгача таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш Дастури доирасида 1 654,8 млрд.сўм;

3) ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш Дастури доирасида 1 100,5 млрд.сўм;

4) шаҳар, туман ва поселкаларни ободонлаштириш (лифтларни янгилаш, ташқи ёритиш ва иссиқлик таъминоти тизимлари, ички йўлларни таъмирлаш) ишларини амалга ошириш учун 695,2 млрд.сўм;

5) қишлоқ ва шаҳар ҳудудларини ободонлаштириш, мавжуд инфратузилмани комплекс ривожлантириш асосида аҳолининг турмуш шароитини юксалтиришга йўналтирилган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” Дастурлари доирасида 500,0 млрд.сўм;

6) соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш Дастурлари (оналик ва болалик тизими, юқумли касалликлар профилактикаси, скрининг, онкологик касалликлар, ВИЧ инфекция, неврологик ва гемодиализ хизматлари, биринчи санитар, тез тиббий ва ихтисослашган ёрдам хизматлари) доирасида 468,8 млрд.сўм;

7) аҳолини ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб этиш учун жамоат ишлари жамғармаси орқали 414,0 млрд.сўм;

8) аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури доирасида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси орқали 300,0 млрд.сўм;

9) кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш комплекс чора-тадбирлари доирасида 192,7 млрд.сўм;

10) 2017-2021 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, сақлаш, йўқ қилиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш Дастури доирасида янги ташкил қилинган “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналарига техникалар харид қилишга 163,4 млрд.сўм;

11) давлат театрлари, музейлари ва маданият уйлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва қайта тиклаш дастурлари доирасида 236,8 млрд.сўм;

12) инновацион фаолият, илмий-тадқиқот муассасаларининг замонавий фаолияти ва инфратузилмасини комплекс ривожлантириш Дастурини амалга оширишга 27,3 млрд.сўм маблағлар йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

Бюджет кодексининг 73-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетининг захира жамғармаларини шакллантириш мақсадлари ва улардан фойдаланишдаги ваколатлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари харажатлари 908,6 млрд.сўмни ташкил қилади ёки жорий йил кўрсаткичларига нисбатан 1,3 баробарга ортиқ маблағлар ажратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, ҳудудларга ташрифлари ва йиғилиш баёнларидан иборат жами 127 та ҳужжатдаги 363 та топшириқлар учун 2019 йил Давлат бюджети параметрларида маблағлар ажратилиши белгиланган.

Ўрганиш натижаларига кўра тақдим этилган Давлат бюджети лойиҳасида мазкур топшириқ ва тадбирларлар учун 13,7 трлн.сўм режалаштирилган.

2019 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида Ҳисоб палатаси томонидан Молия вазирлиги билан ўтказилган ўрганишлар натижасида бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича кўзда тутилмаган 3,0 трлн.сўм маблағларни бюджет ҳисобидан кўшимча режалаштирилиши таъминланди.

Жумладан, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга имтиёзли кредит линиялари учун давлат бюджетидан ажратиладиган мақсадли маблағлар миқдори 2 170,0 млрд.сўмдан 2 978,1 млрд.сўмга оширилди.

Солиқ ислоҳоти натижасида Пенсия жамғармаси тушумларини камайиши ҳисобига аҳолини пенсия тўловларини тўлиқ қоплашга давлат бюджетидан субсидия миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиниб 2 600,0 млрд.сўмдан 4 700,0 млрд.сўмга (кўшимча 2 100,0 млрд.сўм) етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида “Ёшлар – келажагимиз” давлат дастурини амалга ошириш учун 2019 йилда Давлат бюджетидан 200,0 млрд.сўм маблағ кўзда тутилди.

Тошкент шаҳрида йўловчи автобуслар паркини янгилаш мақсадида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ учун 350 та “MAN” русумли автобусларни харид қилиш учун жалб қилинган кредитларни қайтаришга келгуси йил бюджет параметрларида 45,0 млрд.сўм маблағлар режалаштирилди.

Харажатлар структурасининг тўғри шакллантирилганлиги

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар структураси тармоқлар ва йўналишлар бўйича таҳлил қилиниб, Ҳисоб палатасининг таклифларига кўра 868,1 млрд.сўм маблағлар вазифа жиҳатидан (функционал) таснифга асосан тармоқлар бўйича қайта тақсимланди.

Хусусан, “Иқтисодиёт” соҳасига киритилган 480,3 млрд.сўмлик айрим вазирлик ва идораларни сақлаш харажатлари “Давлат бошқарув органларини молиялаштириш” харажатлари таркибига ўтказилди.

Худди шундай “Иқтисодиёт” соҳасида кўзда тутилган 353,7 млрд.сўмлик халқаро молия институтлари қарзларини қайтариш харажатлари “Давлат қарзларини бошқариш ва қайтариш харажатлари” таркибида акс эттирилиши таъминланди.

“Ижтимоий соҳа” харажатларида шакллантирилган Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзолик бадали бўйича ажратилган 10,2 млрд.сўм маблағлар “Бошқа харажатлар” (“халқаро ташкилотларга аъзолик бадаллари” кичик бўлими) таркибига ўтказилди.

Бюджет харажатлари параметрларини шакллантиришида соҳавий вазирлик ва идораларнинг бюджет сўровлари таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 95-моддасига асосан Давлат бюджетининг лойиҳаси бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет сўровлари асосида ишлаб чиқилиши белгиланган.

Лойиҳани кўриб чиқиш жараёнида бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича режалаштирилган харажатлар прогнози танлов асосида айрим вазирлик ва идоралар томонидан тайёрланган бюджет сўровлари билан солиштириб чиқилганда, тақдим этилган бюджет сўровлари ва тақдим этилган харажатлар параметрлари лойиҳасида кўзда тутилган маблағларнинг бир-бирига мос эмаслиги маълум бўлди.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харажатларнинг энг юқори улуши тўғри келадиган умумий таълим соҳаси мисолида ўтказилган ўрганиш натижаларига кўра қуйидагилар маълум бўлди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2019 йил учун бюджет сўровида 10 846,8 млрд.сўм (2018 йил бюджет параметрларида назарда тутилган маблағларга нисбатан 270,6 млрд.сўм кўшимча) маблағ талаб қилинган бўлиб, Давлат бюджети лойиҳасида эса умумий таълим соҳаси учун 17 100,1 млрд.сўм ёки Халқ таълими вазирлигининг бюджет сўровига нисбатан 6 253,3 млрд.сўм (1,6 баробар ортиқ) кўп маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Ўрганиш натижаларига кўра, Халқ таълим вазирлиги томонидан бюджет сўровини ишлаб чиқишда соҳага тегишли қарор ва топшириқлар асосида амалга оширилиши белгиланган кўшимча тадбирлар учун талаб қилинадиган маблағлар ҳисобга олинмаганлиги маълум бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сонли қарорида белгиланган умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкаларини ошириш, ҳудудий, республика ва халқаро фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган педагог кадрларга энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача миқдорда бир марталик пул мукофоти бериш учун талаб этиладиган кўшимча маблағлар вазирлик томонидан тақдим этилган бюджет сўровида кўзда тутилмаган. Ушбу мақсадларга бюджет лойиҳасида 2 781,1 млрд.сўм маблағлар ажратилган.

Бундан ташқари Халқ таълими вазирлигининг бюджет сўровида 2018-2019 ўқув йилида ўтган ўқув йилига нисбатан 11-синфлар кўшимча ташкил этилгани муносабати билан педагог кадрлар сонининг ортиши ва ушбу мақсадларга кўшимча маблағлар ҳисоб-китоби киритилмаган.

Ўрганишлар вазирликда соҳанинг ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун харажат мажбуриятларини тўлиқ ҳисобини юритиш ҳамда маблағларга талабни шакллантириш етарли даражада йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда.

Худди шундай ҳолатлар бошқа вазирлик ва идораларда ҳам кузатилди.

Давлат бошқаруви органи ходимларининг иш ҳақи ҳисобланиши таҳлили

Бюджет муассасаларида ҳар хил йиғимлар, ажратмалар, жарималар ва бошқа тўловлардан шаклланган бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан устамаларни белгиланиши натижасида турли соҳалардаги бир хил лавозимдаги ходимларнинг иш ҳақи миқдорлари ўртасида сезиларли тафовутлар мавжуд.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларига иш ҳақларини базавий тариф ставкалари асосида тўлашга ўтказиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари фаолияти самарадорлиги натижасидан келиб чиқиб, рағбатлантириш чораларини кўриш;

давлат идораларида кўп йиллик хизмат қилгани учун ойлик иш ҳақиға устамалар тўлаш тизимини бирхиллаштириш назарда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, турли хил соҳалардаги бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақиға 150 дан ортиқ турдаги қўшимча устамалар қўлланилмоқда.

Бюджет концепциясида 2019 йил якунига қадар бюджет ташкилотлари ходимларига меҳнат ҳақи тўланишининг Стратегиясини ишлаб чиқиш, бунда иш ҳақи миқдорини меҳнат унумдорлиги ва жавобгарлик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш, бир хил тармоқдаги лавозимларни меҳнатига ҳақ тўлашни дифференциялаш, ходимларни рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ тўлашнинг ягона тамойилларини жорий этиш таклиф этилмоқда.


*Давлат ривожлантириши дастурларини молиялаштириши учун
йўналтириладиган харажатлар таҳлили*

Давлат ривожланиш дастур (Инвестиция дастур)ларига киритиладиган лойиҳа ва тадбирларни молиялаштириш учун 2019 йил Давлат бюджети лойиҳаси параметрларида жами 11 930,3 млрд.сўм маблағ кўзда тутилган бўлиб, 3 960,2 млрд.сўм (Инвестиция дастурига йўналтирилаётган маблағнинг 33,2 фоизи) марказлашган инвестициялар, 4 363,2 млрд.сўм (36,6 фоизи) “Ижтимоий соҳа” ҳамда 3 606,9 млрд.сўм (30,2 фоизи) “Иқтисодиёт” соҳаси тармоқларининг харажатлари таркибига киритилган.

Т/р	Кўрсаткичлар	млрд.сўм	
		2019 йил прогнози	
		сумма	улуши
	Жами	11 930,3	100,0
I	Марказлашган инвестициялар	3 960,2	33,2
II	Ижтимоий соҳа	4 363,2	36,6
2.1.	Умумтаълим мактабларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш	875,6	7,3
2.2.	Олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш	662,0	5,5
2.3.	Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш	119,4	1,00
2.4.	Мусиқа ва санъат болалар мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш	47,1	0,39
2.5.	Тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш	972,3	8,1
2.6.	Илмий-тадқиқот муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш	32,0	0,27
2.7.	Мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш	1 654,8	13,9

Т/р	Кўрсаткичлар	2019 йил прогнози	
		сумма	улуши
Ш	Иқтисодиёт	3 606,9	30,2
3.1.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	352,8	2,96
3.2.	Автомобиль йўллари, кўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш	1 961,3	16,44
3.3.	Ичимлик суви таъминоти ва канализация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш	1 100,5	9,22
3.4.	Оролбўйи минтақаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш	192,3	1,61

Давлат ривожлантириш дастурларини молиялаштириш харажатлари таркиби



Инвестиция дастурига киритилган объектларни молиялаштириш учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар ҳисобидан 2018 йил параметрларида 8 444,1 млрд.сўм маблағ кўзда тутилган бўлиб, йил якунига қадар мазкур харажатлар 10 713,5 млрд.сўмни ташкил этиши баҳоланмоқда.

2019 йил Давлат бюджети лойиҳасида Инвестиция дастури харажатлари учун йўналтириладиган жами маблағлар ҳажми 2018 йил параметрларига нисбатан 41,3 фоизга, 2018 йилда қутилаётган харажатларга нисбатан 11,4 фоизга оширилган ҳолда режалаштирилган.

млрд.сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2018 йил параметр	2018 йил кутилаётган	2019 йил прогноз	Ўзгариш, фоизда	
					параметрга нисбатан	кутилаётганга нисбатан
	Жами	8 444,1	10 713,5	11 930,3	141,3	111,4
1	Марказлашган инвестициялар	3 047,6	3 947,6	3 960,2	129,9	100,3
2	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	281,0	281,0	352,8	125,6	125,6
3	Автомобиль йўллари, қўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш	1 415,0	1 593,0	1 961,3	138,6	123,1
4	Умумтаълим мактабларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш	723,7	732,5	875,6	121,0	119,5
5	Олий таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш	448,5	556,1	662,0	147,6	119,0
6	Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш	137,6	65,2	119,4	86,8	183,1
7	Муסיқа ва санъат болалар мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш	38,9	27,9	47,1	121,1	168,8
8	Тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш	803,6	1 014,1	972,3	121,0	95,9
9	Илмий-тадқиқот муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш	26,5	26,5	32,0	120,8	120,8
10	Мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш	771,0	1 261,4	1 654,8	214,6	131,2
11	Ичимлик суви таъминоти ва канализация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш	584,7	1 042,2	1 100,5	188,2	105,6
12	Оролбўйи минтақаси объектларини қуриш,	166,0	166,0	192,3	115,8	115,8

Т/р	Кўрсаткичлар	2018 йил параметр	2018 йил кутиляётган	2019 йил прогноз	Ўзгариш, фоизда	
					параметрга нисбатан	кутиляётганга нисбатан
	реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш					

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириши

2019 йилда қишлоқ жойларида 15 000 та намунавий ҳамда шаҳар жойларида 355 та арзон кўп-квартирали, жами 15 355 та уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. (2018 йилда жами 25 687 та уй-жой, жумладан 25 276 та қишлоқ жойларида намунавий ҳамда 411 та шаҳар жойларида арзон кўп-квартирали уй-жойлар қурилиши кўзда тутилмоқда).

Мазкур уй-жойларни қуриш учун 2019 йилда ҳисобий 6 525,7 млрд.сўм маблағ талаб қилиниши, шундан 879,5 млрд.сўм – уй эгаларининг бадал тўловлари, 5 646,2 млрд.сўм – тижорат банклари кредитлари йўналтирилиши режалаштирилган.

Шу жумладан, келгуси йил дастурига киритилган арзон кўп-квартирали уй-жойларни қуриш ишларининг қиймати 3 503,7 млрд.сўм бўлиб, аҳолига уй-жой қийматининг 85 фоиз миқдоридаги кредитларни ажратиш учун талаб қилинадиган маблағ миқдори 2 978,1 млрд.сўмни ташкил этади.

Тижорат банкларига арзон кўп-квартирали уй-жойлар бўйича имтиёзли кредит линияларини ажратиш мақсадида бюджет параметрларида 2 978,1 млрд.сўм режалаштирилмоқда.

4.4. Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари таҳлили

2019 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси тугатиш таклиф этилмоқда.


Давлат мақсадли жамғармаларларининг 2017-2019 йиллардаги харажатлари

Т/р	Жамғармалар	2017 йил		2018 йил		2019 йил	
		млрд.сўм	ўсиш (фоизда)	млрд.сўм	ўсиш (фоизда)	млрд.сўм	ўсиш (фоизда)
1	Пенсия жамғармаси	16 622,0	14,8	20 544,1	23,6	26 970,1	31,3
2	Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиши	156,5	-7,9	269,3	72,1	150,0	-44,3

Т/р	Жамғармалар	2017 йил		2018 йил		2019 йил	
		млрд.сўм	ўсиш (фоизда)	млрд.сўм	ўсиш (фоизда)	млрд.сўм	ўсиш (фоизда)
	жамғармаси						
3	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	53,8	25,6	208,2	287,0	387,2	86,0
4	Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси	4 222,6	3 баробар	4 222,6	0,0		
5	Республика йўл жамғармаси	3 097,2	22,6	4 240,9	36,9		
6	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	453,8	12,4	553,4	21,9		
	Жами	24 605,9	29,6	30 038,5	22,1	27 507,3	-8,4

Бунда мазкур жамғармалар ҳисобидан ривожланиш давлат дастурларига киритиладиган харажатларни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси орқали ҳамда жамғармалар томонидан инвестиция харажатлари билан боғлиқ бўлмаган бошқа харажатларни молиялаштириш функцияларини Молия вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга юклатилиши кўзда тутилмоқда.

Шунга асосан 2019 йилдан бошлаб, Давлат консолидациялашган бюджетини шакллантиришда 3 та давлат мақсадли жамғармалари (Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиши жамғармаси) харажатларининг кўрсаткичларини тасдиқлаш режалаштирилмоқда.



■ Давлат мақсадли жамғармалар харажатлари ■ Давлат бюджети харажатлари

2016 йилда консолидациялашган бюджетнинг жами харажатлари таркибида давлат мақсадли жамғармаларининг улуши 31,7 фоизни (18 985,1 млрд.сўм), 2017 йилда 33,3 фоизни (24 605,9 млрд.сўм), 2018 йилда 27,7 фоизни (30 038,5 млрд.сўм) ташкил этган бўлиб, 2019 йилда эса 20,4 фоизни (27 507,3 млрд.сўм) ташкил этиши кутилмоқда.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2018 йилда кутилаётган даромадлари 22 844,7 млрд.сўмни (йил бошидаги қолдиқларсиз), харажатлари 20 544,1 млрд.сўмни ташкил этмоқда.

				млрд.сўм
Т/р	Кўрсаткичлар	2018 йил якуни бўйича кутилаётган	2019 йил прогнози	Ўсиш/ камайиш (фоизда)
I.	Йил бошига қолдиқ	3 396,0	5 696,6	67,7
II.	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	22 844,7	23 656,6	3,6
1	Мажбурий тўловлардан даромадлар	22 779,7	18 947,6	-16,8
1.1	Ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар	13 157,7	17 548,5	33,4
1.2	фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан суғурта бадаллари	4 896,6		
1.3	юридик шахсларнинг обороти (тушуми)дан мажбурий ажратма	2 825,8		
1.4	Бошқа даромадлар	1 899,6	1 399,1	-26,3
2	Бошқа (солиқ бўлмаган) тушумлар	65,0	9,0	-86,2
3	Давлат бюджетидан субсидия		4 700,0	

Т/р	Кўрсаткичлар	2018 йил якуни бўйича кутилаётган	2019 йил прогнози	Ўсиш/ камайиш (фоизда)
III.	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	20 544,1	26 970,1	31,3
1	Ишламайдиган пенсия олувчиларга пенсия тўловлари	19 532,5	25 638,3	31,3
2	Ишловчи пенсия олувчиларга пенсия тўловлари	696,7	1 321,8	89,7
3	Ҳомиладорлик, бола туғилиши, дафн этиш ва бошқа нафақалар	280,9	0,0	
4	Бошқа харажатлар	34,0	10,0	-70,6
IV.	Йил охирига қолдиқ	5 696,6	2 383,1	-58,2

2018 йилда пенсия олувчилар сони 3 087,1 минг кишини (шундан, ишламайдиган пенсия олувчилар – 2 981,1 минг киши, ишловчи пенсия олувчилар – 106,0 минг киши) ташкил этади.

2018 йил якунига кўра кутилаётган қолдиқ маблағи 5 696,6 млрд.сўмни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” ги 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли Фармонида асосан солиқ концепциясини такомиллаштириш доирасида 2019 йил 1 январдан фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадаллари ва юридик шахсларнинг обороти (тушуми)дан ундириладиган мажбурий ажратмаларни бекор қилиш ва хусусий секторнинг ягона ижтимоий тўлов ставкасини 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтириш белгиланган.

Ушбу ўзгаришлар натижасида 2019 йилда Пенсия жамғармасининг тушумлари 10 911,1 млрд.сўмга (шундан, суғурта бадаллари ҳисобига 6 120,8 млрд.сўм, юридик шахсларнинг обороти (тушуми)дан ундириладиган мажбурий ажратмалар ҳисобига 3 814,8 млрд.сўм ва хусусий секторнинг ягона ижтимоий тўлов ставкасини пасайтириши ҳисобига 975,4 млрд.сўм) камайиши баҳоланмоқда.

Юқоридагиларга асосан Пенсия жамғармасининг 2019 йилдаги мажбурий тўловлардан даромадлари 18 947,6 млрд.сўм (жорий йилдаги кўрсаткичга нисбатан 16,8 фоизга камайган) миқдоридан режалаштирилмоқда.

2019 йилда Пенсия жамғармаси ҳисобидан пенсия тўлаш учун жами 26 970,1 млрд.сўм харажатлар талаб қилиниши кутилмоқда.

Харажатлар миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг ошиши ҳамда келгуси йилда кутилаётган пенсия олувчиларнинг умумий сони ўртача 183,6 минг кишига ортиши (жами 3 270,7 минг киши) ҳисобига 2018 йилга нисбатан 30,9 фоизга ўсган.

Пенсия тизимини ислоҳ этиш концепцияси доирасида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача оширилиши ҳамда ишловчи пенсия олувчиларга тўлиқ (100 фоиз) ҳажмда пенсия тўланиши Пенсия жамғармасининг харажатлари ошишига (қўшимча 1 300,0 млрд.сўм) сабаб бўлмоқда.

Дастлабки тақдим этилган бюджет лойиҳасида Пенсия жамғармасига Давлат бюджетидан йўналтириладиган субсидия миқдори 2 600,0 млрд.сўмни ташкил этиб, лойиҳани кўриб чиқиш жараёнида солиқ ислоҳоти натижасида Пенсия жамғармаси тушумларини камайиши ҳисобига пенсия тўловларини тўлиқ қоплашга давлат бюджетидан ажратилаётган субсидия миқдори қайта ҳисоб-китоб қилинди ва 2 600,0 млрд.сўмдан 4 700,0 млрд.сўмгача етказилди (қўшимча 2 100,0 млрд.сўм маблағ ажратилди).

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси

Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг 2018 йилда кутилаётган даромадлари ва харажатлари 208,2 млрд.сўмни (йил бошидаги қолдиқларсиз) ташкил этмоқда.

млрд.сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2018 йил яқуни бўйича кутилаётган	2019 йил прогнози	Ўсиш/ камайиш (фоизда)
I.	Йил бошига қолдиқ	6,2	6,2	
II.	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	208,2	388,5	86,6
1	Ташкилотларнинг иш ҳақи жамғармасидан мажбурий ажратмалар	51,1	77,3	51,2
2	Аҳоли бандлиги даражасини ошириш учун Давлат бюджетидан трансфертлар	150,0	300,0	2 баробар
3	Пеня ва жарималар	5,2	6,2	20,0
4	Бошқа тушумлар	1,9	5,0	166,0
III.	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	208,2	387,2	86,0
1	Ишсизларни касбга тайерлаш ва қайта тайёрлаш	24,2	35,0	44,6
2	Ишсизлик нафақаси	9,2	20,0	116,8
3	Ишсиз фуқароларга муддатидан олдин тўланадиган пенсия	2,2	5,0	130,4

Т/р	Кўрсаткичлар	2018 йил якуни бўйича кутилаётган	2019 йил прогнози	Ўсиш/ камайиш (фоизда)
4	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларини сақлаш харажатлари	52,8	83,6	58,4
5	Бирмарталик иш билан таъминлаш бюроларини сақлаш харажатлари	12,9	14,1	10,0
6	Меҳнат органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш жамғармасига ажратмалар	4,7	8,4	77,2
7	Республика туманлари ва шаҳарларида янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик ва мини-лойиҳаларни амалга ошириш учун микрокредитлар ажратиш	75,0	200,0	2,7 баробар
8	Бошқа харажатлар	27,2	21,1	-22,5
IV.	Йил охирига қолдиқ	6,2	7,5	21,8

Жамғарманинг 2019 йилдаги даромадлари 388,5 млрд.сўм (жорий йилда кутилаётганга нисбатан 86,6 фоизга кўп), харажатлари эса 387,2 млрд.сўм (жорий йилда кутилаётганга нисбатан 86,0 фоизга кўп) режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сонли қарорининг 2-бандига асосан Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига 2018 йилда Республика бюджетига қўшимча тушумлар ҳисобига 150,0 млрд.сўм ҳамда 2019 йилдан бошлаб эса бюджет параметрларида 300,0 млрд.сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағлар ажратиш назарда тутилиши белгиланган.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг 2019 йилнинг даромадлар прогнозида аҳоли бандлиги даражасини ошириш учун давлат бюджети трансфертлари 2018 йилга нисбатан 2 баробарга оширилиб, 300,0 млрд.сўм миқдоридан режалаштирилган.

Шунингдек, юқоридаги қарорнинг 6-банди “а”-пунктида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига Республика бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи ва ҳудудий жамғармаларнинг маблағлари асосан “Микрокредитбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ ва “Халқ банки” АТБда кредит линияларини очиш ва кейинчалик мазкур банклар томонидан республика туманлари ва шаҳарларида янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик ва мини-лойиҳаларни амалга ошириш учун микрокредитлар ажратиш мақсадида йўналтирилиши белгиланган.

Ушбу қарор талабларини амалга ошириш мақсадида бандлик жамғармасининг Республика туманлари ва шаҳарларида янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик ва мини-лойиҳаларни амалга ошириш

учун микрокредитлар ажратишга 2019 йилда 200,0 млрд.сўм ёки жорий йилда ажратилган маблағга (75,0 млрд.сўм) нисбатан 2,7 баробар кўп маблағ кўзда тутилмоқда.

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиши жамғармаси

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиши жамғармасининг 2018 йилда кутилаётган даромадлари 240,0 млрд.сўмни (йил бошидаги қолдиқларсиз) ва харажатлари 269,3 млрд.сўмни ташкил этмоқда.

млрд.сўм				
Т/р	Кўрсаткичлар	2018 йил яқуни бўйича кутилаётган	2019 йил прогнози	Ўсиш/ камайиш (фоизда)
I.	Йил бошига қолдиқ	82,3	15,0	-81,8
II.	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	240,0	150,0	-37,5
1	Давлат мулки ҳисобланган корхоналарни ва акцияларни сотишдан тушган тушумлар	150,0	85,0	-43,3
2	Давлат мулкани ижарага беришдан тушган тушумлар	27,0	28,0	3,7
3	Хўжалик жамиятларида давлат улуши бўйича дивидендлар	40,0		
4	Бошқа даромадлар	23,0	37,0	60,9
III.	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	269,3	150,0	-51,2
1	Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар тақсимоти	216,8	117,7	-53,8
1.1	Республика бюджетига			
1.2	Маҳаллий бюджетларга	38,0	20,0	-47,4
1.3	Савдо-саноат палатаси жамғармасига	3,0	2,0	-33,3
1.4	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	0,2	0,6	200,0
1.5	Тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шу жумладан, Хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун Хусусийлаштириш қўмитасига	5,0	3,0	-40,0
1.6	Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга мақсадли йўналтириш учун тижорат банклари	170,6	92,1	-55,8

Т/р	Кўрсаткичлар	2018 йил яқуни бўйича кутилаётган	2019 йил прогнози	Ўсиш/ камайиш (фоизда)
2	Хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини чиқариш, сақлаш ва сотиш, шунингдек бошқа давлат активларини сотиш билан боғлиқ харажатлар	1,5	1,5	
3	Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг қарорларига асосан йўналтириладиган маблағлар	50,0	30,0	-40,0
4	Бошқа харажатлар	1,0	0,8	-20,0
IV.	Йил охирига қолдик	53	15,0	-81,8

Жамғарманинг 2019 йилдаги даромад ва харажатлари 150,0 млрд.сўм миқдорида режалаштирилмоқда.

2018 йил яқуни бўйича Давлат мулки ҳисобланган корхоналарни ва акцияларни сотишдан тушган тушумлар 150,0 млрд.сўм бўлиб, келгуси йилда ушбу тушумлар пасайишини инобатга олган ҳолда 2019 йил учун 85,0 млрд.сўм режалаштирилмоқда.

Мазкур даромад тури тушумининг пасайишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 17 январдаги ПФ-4933-сонли Фармонига асосан сотилаётган давлат кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари бўйича харид тўловларини тўлаш муддати 24 ойдан 36 ой муддатга узайтирилганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 18 октябрдаги ПФ-5552-сонли Фармонига мувофиқ маҳаллий ҳокимият органларига давлат мулки объектларини сотиш тартибини соддалаштириш мақсадида ўз ваколати доирасида бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини баҳоламасдан, 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда аукцион сотиш тартибининг жорий этилганлиги;

- бир қатор давлат кўчмас мулк объектларини тадбиркорлик субъектларига давлат-хусусий шерикчилик асосида берилиши йўлга қўйилаётганлиги.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш

тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2017 йил 19 июндаги 391-сонли қарорига асосан 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб хўжалик жамиятларидаги давлат улуши бўйича дивидендлар Молия вазирлиги томонидан Жамғармага Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг буюртманомалари бўйича йўналтирилиши белгиланган.

Шунга асосан 2019 йил учун Жамғарма даромадларида хўжалик жамиятларида давлат улуши бўйича дивидендлар бўйича тушум режалаштирилмаган.

Жамғарма даромадларини йил давомида ўзлаштирилиши жараёнида маблағлар етишмовчилиги юзага келганда Молия вазирлигига Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг буюртномалари асосида мурожаат этилиши кўзда тутилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида 2019 йилда Жамғарма маблағларининг асосий қисмини (92,1 млрд.сўм) хусусийлаштирилган объектлар ва корхоналар негизида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига имтиёзли кредитлар бериш учун тижорат банкларида кредит ресурслари ажратишга йўналтириш режалаштирилмоқда.

4.5. Давлат бюджети харажатларини режалаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси

Хорижий давлатларнинг бюджет харажатларини режалаштиришда 2 та усулдан фойдаланилади:

1) мақсадли дастурлар асосида (программно-целевой) – иқтисодий-ижтимоий вазифаларни амалга ошириш учун тасдиқланган мақсадли дастурларга мувофиқ натижага йўналтирилган ҳолда бюджет ҳисобидан харажатларни режалаштириш. Мазкур усул аниқ дастур ва лойиҳалар бўйича молиявий ресурсларни уларнинг миқдор кўрсаткичлари (койка сони, ўқувчилар сони ва бошқалар) асосида оқилона тақсимлашни назарда тутди.

2) меъёрлар асосида (нормативный) – бюджет ташкилотларининг харажатлари ва тадбирларини (иш ҳақи, коммунал тарифлар, бинони сақлаш харажатлари, нафақа ва бошқалар) молиялаштириш учун белгиланган меъёрларга мувофиқ режалаштириш.

Хорижий давлатларда бюджет маблағларининг натижадорлиги ва шаффофлигини оширишнинг самарали инструменти сифатида мақсадли дастурлар асосида режалаштириш кенг кўламда қўлланилади.

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)да ҳар бир вазирлик ва идора томонидан натижага йўналтирилган йиллик бюджет сўровлари тузилиб, унда стратегик, узоқ ва қисқа муддатли мақсадлар ҳамда уларга эришиш учун талаб этиладиган харажатлар акс эттирилади. Вазирлик ва идоралар томонидан бюджет сўровларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда дастурларни йиллик ижроси бўйича ҳисоботлар ҳам тайёрланади.

Бюджет дастурларини шакллантириш ва баҳолаш бўйича АҚШ Президенти ҳузурида тузилган Маъмурий-бюджет бошқармаси ҳар йил бюджет сўровларини тайёрлаш ва бюджет ижроси юзасидан ҳисобот тақдим этиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиб, вазирлик ва идораларга тақдим этади. Бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда маълумотларни йиғиш ва кўриб чиқиш махсус ахборот тизимида амалга оширилиб, вазирлик ва идоралар томонидан бюджетга тегишли барча маълумотлар электрон тарзда киритилади.

Маъмурий-бюджет бошқармаси томонидан вазирлик ва идоралар билан биргаликда шакллантирилган бюджет лойиҳаси Президент томонидан маъқуллангандан сўнг, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Парламент (Конгресс)га киритилади.

Канадада бюджетни режалаштириш тасдиқланган беш йиллик режа доирасида амалга оширилиб, дастурларни молиялаштиришга мўлжалланган йиллик бюджет лойиҳалари ҳар бир вазирлик ва идора томонидан ишлаб чиқилади. Давлат бюджети лойиҳаси Молия Департаменти томонидан тайёрланиб, Парламентга қабул қилиш учун киритилади.

Бюджетдан молиялаштиришга таклиф этилган дастурларни натижага йўналтирилганлиги, давлатнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги ҳамда ҳукуматнинг мажбуриятларини бажарилишига хизмат қилишини таъминлаш мақсадида Харажатларни бошқариш тизими (Expenditure management system) ташкил этилган.

Харажатларни бошқариш тизими барча мавжуд ва янгидан ишлаб чиқилган давлат дастурларини солиқ тўловчиларнинг эҳтиёжлари ва дастурни амалга ошириш баҳоси ва кутилаётган натижаларнинг мутаносиблиги юзасидан тизимли экспертизадан ўтказилади.

Молия Департаменти, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти, шунингдек Парламент ўртасидаги бюджетни режалаштиришга доир барча жараёнлар Харажатларни бошқариш тизими томонидан мувофиқлаштирилади.

Буюк Британия давлат молияси марказлашуви даражаси энг юқори бўлган давлатлардан ҳисобланиб, барча солиқларнинг учдан икки қисми марказда йиғилиб, маблағлар маҳаллий ҳокимият органларига мақсадли грантлар ва субсидиялар кўринишида тақсимланади.

Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ривожланиш дастурлари ва бюджет лойиҳаларини ишлаб чиқишда давлатнинг ривожланиш стратегиясида белгиланган миллий устувор йўналишлар, хусусан биринчи навбатда соғлиқни сақлаш билан боғлиқ вазифалар назарда тутилади.

Вазирлик ва идоралар томонидан стратегик (камида беш йиллик) ва йиллик режалар ишлаб чиқилиб, уларда натижаларга эришиш учун зарур бўладиган дастурлар ва талаб қилинадиган маблағ тўғрисида маълумотлар акс эттирилади. Шундан сўнг, уч йиллик дастурлар асосида бюджет режалари ишлаб чиқилади.

Дастурларни молиялаштириш бўйича қарорлар харажатлар натижадорлиги ҳамда хизматлар миқдори ва сифатини баҳолаш кўрсаткич (индикатор)лари асосида қабул қилинади.

Буюк Британия Давлат бюджети 2 та қисмдан иборат:

- консолидациялашган жамғарма – Молия вазирлигининг махсус ҳисобрақами ҳисобланиб, барча солиқлар унда жамланади ҳамда Парламент томонидан маъқулланган харажатлар ушбу жамғарма орқали молиялаштирилади;

- қарз миллий жамғармаси – консолидациялашган жамғармага тушган даромадларнинг харажатларга нисбатан ошган қисми ҳисобидан шаклланади. Молиявий йил давомида консолидациялашган жамғарма ҳисобидан харажатлар учун маблағ етишмаган тақдирда дефицитни қоплаш учун қарз миллий жамғармасидан ссуда сифатида зарур маблағлар ажратилади.

Францияда бюджет харажатлари таркиби ҳукуматининг асосий йўналишлари, дастур ва тадбирлардан шаклланади.

“Битта дастур – битта вазирлик” тамойили асосида ҳар бир дастур ва тадбирнинг ижроси ва натижалари сифати бўйича вазирлик ва идоралар масъул этиб белгиланади.

Бюджет лойиҳасини шакллантириш Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилиб, соҳавий вазирлик ва идораларга ҳар бир тармоқ бўйича келгуси йил учун режалаштирилаётган бюджет маблағлари (ассигнование) бўйича ҳисобий чегаралар ва бюджет сўровларини ишлаб чиқиш бўйича йўриқномалар тақдим этилади. Вазирлик ва идораларнинг бюджет сўровларига асосан шакллантирилган Давлат бюджети лойиҳаси ҳукумат томонидан маъқуллангандан сўнг, қабул қилиш учун Парламентга тақдим этилади.

Швецияда натижага йўналтирилган ва “юқоридан пастга” тамойили асосида уч йиллик бюджетни шакллантириш тизими йўлга қўйилган. Бунда ҳукумат томонидан биринчи навбатда иқтисодий прогноз ва молиявий сиёсат йўналишларидан келиб чиқиб, уч йиллик муддатга кутилаётган бюджет

ресурслари ҳажми белгиланиб, харажатлар миқдори иқтисодиётнинг йўналишлари бўйича тақсимланади.

Вазирликлар томонидан таркибий идораларга йўналиш бўйича кўзда тутилган харажатлар чегараси доирасида бюджет сўровларини шакллантириш бўйича йўриқномалар тақдим этилади. Вазирлик ва идоралар томонидан йўналиш доирасида белгиланган маблағлар тармоқ ва моддалар кесимида мустақил равишда тақсимланади.

Вазирлик ва идораларнинг мақсадли дастурлар асосида шакллантирилган бюджет сўровларини жамлаш ва мувофиқлаштириш Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бюджет жараёнида маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш бўйича махсус автоматлашган ахборот тизими жорий қилинган бўлиб, вазирлик ва идоралар томонидан барча маълумотлар электрон тарзда киритилади. Парламент ва кенг жамоатчилик учун тизимга киритилган мақсадли дастурлар ва уларни ижроси учун талаб қилинаётган маблағлар тўғрисида очиқ-ойдин ахборотлар олиш имконияти яратилган.

Россия Федерациясида мақсадли дастурлар асосида бюджетни режалаштиришни жорий этиш 1995 йилдан бошланган бўлиб, дастлабки босқичда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиялари, тармоқ ва соҳаларни ривожлантириш мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш амалга оширилган.

2005 йилда бюджет жараёнларни ислоҳ этиш Концепцияси доирасида ўрта муддатли ва натижага йўналтирилган бюджетни режалаштиришга босқичма-босқич ўтиш белгиланган бўлиб, 2013 йилдан бошлаб федерал бюджет харажатларининг асосий улушини мақсадли дастурлар асосида режалаштириш тамойилларига ўтказилган.

Федерал бюджетни ишлаб чиқишда мақсадли дастурлар ва меъёрлар асосида режалаштириш билан биргаликда олдинги йиллар ҳисобот кўрсаткичлари динамикасида келиб чиқиб, келгуси йилларга кутилаётган харажатларни ҳисоблаш усулидан фойдаланилади.

Федерал бюджетни ишлаб чиқиш бўйича ташкилий ва услубий ишлар Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Бюджет лойиҳасини тасдиқлаш бўйича Қонун лойиҳаси ҳукумат томонидан кўриб чиқилганидан сўнг, Парламент палаталарига (Дума ва Федерация Кенгаши) маъқуллаш учун киритилади. Парламент томонидан маъқулланган Қонун лойиҳаси Президент томонидан имзолангандан сўнг жамоатчиликка ҳавола этилади.

Қозоғистон бюджет харажатларини натижага йўналтирилган ҳолда режалаштириш 2009 йилдан бошланган бўлиб, уч йиллик муддатга бюджетни режалаштириш, натижаларни бошқариш асосида аниқ мақсад ва вазифаларни эришишга йўналтирилган бюджет сиёсатини жорий этиш жараёни давом

этноқда. Бюджетни режалаштириш билан боғлиқ функциялар Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

2016-2018 йиллар давомида республика даражасидаги бюджет дастурлари умумлашган ҳолда тасдиқланиб, соҳавий вазирлик ва идоралар томонидан тармоқ ва моддалар кесимида тақсимоти мустақил амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Қозоғистоннинг Молия вазирлиги томонидан бюджетни режалаштиришда қоғоз кўринишида ҳужжат айланмасидан бутунлай воз кечиб, бюджет жараёнларини автоматлашган ахборот тизимига ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Аксарият ривожланган ва ривожланаётган давлатларда анъанавий режалаштириш усулларидаан воз кечиб, давлат харажатларини самарали бошқариш инструменти сифатида мақсадли дастурлар асосида бюджетни шакллантириш тизими жорий этилганлигини таъкидлаш лозим.

4.6. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларнинг самарадорлиги, уларни оптималлаштириш ва такомиллаштириш бўйича Ҳисоб палатасининг таклифлари

1. Бюджет жараёнини такомиллаштириш мақсадида Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали бюджет сўровларини ишлаб чиқиш, тақдим этиш ва молия органлари томонидан кўриб чиқишнинг барча босқичларини автоматлаштирилишини назарда тутувчи тартиб ўрнатиш.

2. Давлат бюджети лойиҳаларини ишлаб чиқишда илғор хорижий тажриба асосида харажатларни натижага йўналтирилган ҳолда режалаштиришни тадбиқ этиш мақсадида давлат томонидан белгиланган мақсад ва вазифаларни дастур ва лойиҳалар асосида молиялаштириш, ажратилган маблағлар натижадорлигини сифат ва миқдор кўрсаткичлари орқали баҳолаш (назорат қилиш) тизимини босқичма-босқич жорий этиш. Бунда:

- Молия вазирлиги ва тегишли вазирлик ва идоралар томонидан соҳалар кесимида эришиладиган натижаларни баҳолаш кўрсаткич (индикатор) ларини ишлаб чиқиш;

- қисқа ва ўрта муддатли дастур (лойиҳа) ларни ишлаб чиқишда белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ маблағларни ажратиш муддатлари ва молиявий кўрсаткичлар билан биргаликда эришиладиган натижаларни аниқ белгилаш.

3. Бюджет параметрларини тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасида даромадларни прогноздан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан харажатларни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш, бунда маҳаллий бюджет маблағларини тақсимлаш йўналишларини аниқ белгиланишини назарда тутиш.

4. Бюджет ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва мақсадли жамғармалар маблағларини депозитларга жойлаштириш 2017 йил 1 январь ҳолатига 1 158,9 млрд.сўмни, 2018 йил 25 сентябрь ҳолатига эса 5 861,8 млрд.сўмни ташкил этган ёки депозитларга жойлаштирилган маблағлар ҳажми 2017 йил бошига нисбатан 5 баробарга ортган.

2019 йилда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасини ишлаб чиқишда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлар қолдиғи ва депозитларга жойлаштирилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда бюджет харажатларининг бир қисмини бюджетдан ташқари манбалар орқали қопланишини инобатга олиш.

Бюджет ташкилотлари томонидан бюджетдан ташқари ва бўш турган маблағларни депозитга жойлаштириш шартларини (жойлаштириладиган муддатлардан келиб чиқиб, тавсия этиладиган фоиз ставкаларининг минимал миқдори) тартибга солиш бўйича меъёр ишлаб чиқилишини назарда тутиш.

5. Бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчиларни уларнинг бюджетдан ташқари маблағларини аниқлаш юзасидан хатловдан ўтказиб, хатлов натижаларига асосан фаолият ихтисослиги бўйича пуллик хизмат кўрсатувчи алоҳида бюджет муассасаларини ўз-ўзини молиялаштиришга ўтказиш тўғрисида таклифларни ишлаб чиқилишини назарда тутиш.

Алоҳида бюджет муассасаларини ўз-ўзини молиялаштириш тизимига ўтказиш пуллик хизмат кўрсатишда бозор механизмларини кенгайтиришни рағбатлантириш ҳамда бюджет маблағларини оптималлаштириш имконини беради.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети захира жамғармаларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби бугунги кунда ишлаб чиқилмаганлигини инобатга олиб, барча даражадаги бюджетлар учун захира жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойланиш тартибини ишлаб чиқишни бюджет концепциясида назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

7. 2006 йилнинг 1 январидан умумтаълим муассасасаларида умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш мақсадида бюджет маблағлари ҳисобидан директор жамғармаси ташкил этилган.

Жамғарма маблағларини мақсадли сарфланишини назорат қилишнинг такомиллаштирилган механизми мавжуд эмаслиги ҳамда уларни сарфлашда шаффофлик ва манзиллиликни таъминлаш мақсадида, ушбу жамғарма функцияларини янги ташкил этилган Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармасига юклаган ҳолда, Директор жамғармасининг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини тубдан қайта кўриб чиқиш таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 сентябрдаги ПҚ-3931-сонли қарорида Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг бир қисмини вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар ходимларига устамалар, мукофотлар ва рағбатлантирувчи тўловларга йўналтириш белгиланган.

8. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан хизмат сафари харажатларини қоплаб бериш тизимини қайта кўриб чиқиш. Бунда, хизмат сафарида ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар таркиби ва миқдорларини, шунингдек тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш имкони бўлмаган ҳолатларда транспорт харажатларини қоплаб бериш шартларини белгилаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 192-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасига беғараз ёрдам доирасида келиб тушган товарларни сотиш, ижарага бериш ёки бошқа тижорат мақсадларига йўналтириш улардан фойдаланиш тартибини бузиш ҳисобланади.

Беғараз ёрдам доирасида келган товар (жиҳоз) лардан самарали фойдаланиш ва уларни сақлаш харажатларига маблағларни етарли миқдорда ажратиш мақсадида аралаш молиялаштириш тартибида фаолият кўрсатаётган бюджет ташкилотларида (мисол учун, тиббиёт муассасалари) пуллик хизмат кўрсатиладиган контингентлар учун ушбу жиҳозлардан фойдаланиш ва тўловларни ундириш тартибини жорий этиш тақлиф этилмоқда.

10. Иқтисодий таснифнинг бошқа харажатлар гуруҳида (4-гуруҳ) тегишли харажатларни кичик моддаларгача оптималлаштириш (бунда, ижрони тўлиқ элементларгача деталлаштириш) мақсадга мувофиқ.

Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизимида мазкур гуруҳ харажатлари бўйича маблағларни бир моддадан бошқасига ўтказиш мақсадида 2017 йилда 309 407 та, 2018 йилнинг дастлабки 9 оyi давомида 128 774 та харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш бўйича бюджет ташкилотларининг сўровномалари рўйхатга олинган.

Йил давомида битта бюджет ташкилоти томонидан харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш учун тегишли молия органларига ўртача 12-13 марта сўровнома тақдим этилиши қайд этилмоқда.

Мазкур тақлифни амалга оширилиши натижасида тасдиқланган ва аниқланган бюджетлар ўртасидаги тафовутлар қисқаради.

V. Давлат қарзи ва Давлат бюджетининг тақчиллиги

Давлат бюджетининг 2019 йил учун тузилган лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва қайтариш харажатлари учун 2 619,9 млрд.сўм, 2018 йилда кутилаётганга нисбатан 1 549,4 млрд.сўм ёки қарийб 2,5 баробарга кўп маблағ кўзда тутилган.

2019 йилда Давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва қайтариш харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши 0,3 фоиздан 0,6 фоизга кўпаймоқда.

2019 йилги Давлат бюджети лойиҳаси 4 490,8 млрд.сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,1 фоиз дефицит билан шакллантирилган.

Давлат бюджети дефицитини қопланиши қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилмоқда:

- республика бюджетининг йил бошидаги эркин қолдиқ маблағлари;
- халқаро молия институтлари (Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки)дан жалб қилинадиган ташқи қарзлар;
- давлат қимматли қоғозларини (ички ғазна облигациялари ва суверен еврооблигациялар) жойлаштириш;
- бошқа манбалар.

Бюджет сиёсати концепцияси лойиҳасида дефицитни қоплашга йўналтириш мақсадида жойлаштирилиши режалаштирилаётган давлат қимматли қоғозлари (шу жумладан, ички ғазна облигациялари) бўйича ҳисоб-китоблар (уларнинг миқдори, фоиз ставкалари, жойлаштириш муддатлари ва ҳ.к) мавжуд бўлмаганлиги сабабли Давлат бюджети дефицитини қоплаш манбалари асосланганлигига аниқ баҳо бериб бўлмайди.

Бундан ташқари келгуси йилда дефицитни қоплаш мақсадида давлат қимматли қоғозларини жойлаштирилиши кўзда тутилаётганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 152-моддаси талабларини амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан 2019 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар бюджетини қабул қилинишида Давлат қарзининг энг юқори миқдорини белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

VI. Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари умуман олганда, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ келади деб ҳисоблайди.